جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2024-yil 15-noyabr
№ 47(47)
www.jadid-media.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

МУҚАДДАС БУРЧ

Акиф БАҒИРОВ:



Яна хаёл узра ташбеҳлар хил-хил,
Бир пайғом васлига талпинар дадил.
Илҳом парисининг хушхабаридан
Сархуш сандуғочдай яйрамоқда дил –
Ўзбек келаётир тарих қаъридан!

Асраб наърасини, янгроқ сасини –
Қадим Хоразмнинг хазинасини,
Икки ярим, уч минг йиллар наридан
Опичлаб Авесто дафинасини,
Ўзбек келаётир тарих қаъридан!

Бир қанот – Алпомиш, бир қанот – Широқ,
Бир ён – Алп Эр Тўнга, енгилмас тупроқ.
Ўт олиб мангулик самандаридан,
Тўмарислар қалбин ёритган чироқ –
Ўзбек келаётир тарих қаъридан!

(2-саҳифада ўқинг).

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ОЧИҚ ЭШИКЛАР





Ўтаётган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Навбатдан ташқари араб-ислом саммитида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига, шунингдек, иқлим ўзгаришларига бағишланган СОП-29 саммитида қатнашиш учун Озарбайжонга ташриф буюрди.

ЎЗБЕКИСТОН – ТИНЧЛИК ВА ДИПЛОМАТИЯ ТАРАФДОРИ

Жорий ҳафтада жаҳон ҳамжамияти, хусусан, мусулмон оламининг диққат эътибори Саудия Арабистонига қаратилди. 11-12 ноябрь кунлари Ар-Риёд шаҳрида дунёдаги 50 дан ошиқ мамлакат раҳбарлари иштирокида навбатдан ташқари араб-ислом саммити ўтказилди. Мазкур йирик халқаро анжуман мусулмон оламида Ғазо сектори ва Ливанда юзага келган беқарор вазият юзасидан ягона позицияни ишлаб чиқиш масалаларига бағишланди.

Маълумки, Яқин Шарқда 1967 йилда бошланган нотинчлик шу пайтга қадар маълум танаффуслар билан давом этиб келмоқда. Минтақадаги ҳарбий тўқнашувлар ярим асрдан ортиқ вақт давомида минглаб инсонлар, хусусан, тинч аҳоли вакилларининг ҳаётига зомин бўлмоқда. 2023 йилнинг 7 октябрда ХАМАС кучларининг ҳужуми вазиятни янада кескинлаштирди. Маълумотларга кўра, ҳозирга қадар Ғазо минтақасида 44 мингга яқин тинч аҳоли қурбон бўлган.

Давлатимиз раҳбари доим ҳар қандай қонли можароларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш сиёсатини илгари суриб келган. Зотан, муқаддас динимизда ҳам тинчлик, дўстлик, муросаю мадора йўлини тутиш тарғиб қилинади.

Президентимиз мазкур саммитда сўзлаган нутқида бугунги кунда мусулмон дунёси учун долзарб бўлиб турган масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Глобал сиёсат кун тартибидаги энг ўткир ва оғриқли масала – Фаластин муаммосига алоҳида тўхталиб: **“Ўзбекистон Фаластин – Исроил муаммосини тинчлик ва дипломатия йўли билан ҳал этишга қаратилган барча амалий ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бу борада бугунги саммитимизда умумий сиёсий ирода ва бирдамликни намоён этиб, глобал ва минтақа даражасида самарали механизмлар ва аниқ ечимлар ишлаб чиқиб, ҳаётга тезроқ жорий этилишига ишонамиз”**, дея таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада).

ЖАРАЁН

НИЯТ, ҚАТЪИЯТ – МУВАФФАҚИЯТ

Азалдан аёллар сиёсатдан йироқ бўлмаган. Шарқнинг бу борадаги тажрибаси Ғарбникидан асло кам эмаслигига оид асосли маълумотлар етарли. Агар дунё аввалambор юртимизни қудратли марказлашган давлат барпо этган Соҳибқирон Амир Темур шахси орқали таниган бўлса, шубҳасиз, бунда Сароймулкхонимнинг ҳам беқиёс ўрни бор.

Давлатчилигимиз бошқаруви тарихида Тўмарисдан бошланган бу анъанани давримизнинг етакчи аёллари муносиб давом эттирмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистон парламентида қабул қилинаётган халқчил қонунларни ишлаб чиқишга муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Зулфия номидаги давлат мукофотининг илк совриндорларидан бири, таниқли композитор Ойдин Абдуллаева ана шундай аёллар сирасига киради-ган, сўзи ва иши бир бўлган халқ вакилидир.

(Давоми 4-саҳифада).





Газетамизнинг ўтган сонида туркиялик атоқли олим, халқаро Нобель мукофоти соҳиби Азиз Санжар Туркий давлатлар ташкилотининг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотига сазовор бўлгани ҳақида хабар берган эдик. Туркияда фаолият кўрсатаётган ҳамюртимиз – адабиётшунос Зайнобиддин Абдурашидов олим билан боғланиб, унинг бу борадаги фикрларини ёзиб олди.

Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббусига асосан таъсис этилган Алишер Навоий номидаги

Азиз САНЖАР,
Халқаро Алишер Навоий ҳамда Нобель мукофоти лауреати:

“ДУНЁ ЯНГИ НАВОИЙ ВА ХОРАЗМИЙЛАРНИ КУТМОҚДА...”

халқаро мукофот билан тақдирланганингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Фурсатдан фойдаланиб, Сизни яна бир бор ушбу юксак эътирофга лойиқ кўрилганингиз билан табриклаймиз.

– Ташаккур. Алишер Навоий нафақат Туркий дунё, балки жаҳон адабиётининг энг буюк шоиридир. У бундан қарийб 600 йил аввал яшаган бўлса ҳам ўз асарлари ва тафаккури билан жаҳон маданияти тараққиётига улкан хизмат қилган улуғ мутафаккирдир. Айтмоқчиманки, Алишер Навоийнинг беқиёс ижодий мероси ер юзида дўстлик ва тенгликни қарор топтириш, хусусан, туркий дунё бирлигини мустаҳкамлашга қаратилгани билан айниқса қийматлидир. Мумтоз шоирнинг қуйидаги сатрлари юрагимдан чуқур жой олган бўлиб, ул зотнинг юксак маънавий идеалини гўзал бир шаклда ифодалайди:

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-биринигизгаким,
эрур ёрлиғ иш.

Бугунги кунда дунёда совуқ уруш шамоллари яна такрор эсмоқда. Шундай рутубатли бир вақтда, туркий дунё юз йиллар давом этган айриликдан сўнг бирлашиш жараёнига кирган бир паллада ҳазрат Навоий қолдирган маънавий қадрият ва теран фикрлар инсоният учун янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон – ўнлаб жаҳоншумул алломаларни етиштирган илм-фан ва цивилизациянинг муқаддас ўчоғидир.

(Давоми 2-саҳифада).

ТАКЛИФ

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС. КЕНГАШЛИ ТВ-ЧИ?

Халқимиз ҳар неки ишга киришса, кенгашиб, баслаҳат қилишга одатланган. Зотан, биз бу оламда, бу шаҳар ё маҳаллада фақат ўзимизгина яшамаймиз. Биргина бизнинг тушунчамиз, ақлу шууримиз етганича қилган ишимиз, ҳаракатимиз бу жамиятга ё самара ё зарар келтириши мумкин. Фойдасидан зарари бисёр амаллардан асрасин.



Ҳа, ҳайтовур “демократия” деган сўзни устувор қилиб олишниям биламиз. Ҳа, бор бўлсин шу демократия. Аммо бу сўзни яратганларнинг мақсадини ойдинроқ кўринишда очиб кўрсак, бунинг маъносидан ҳаммaнинг яшаш тартиби саналган жамият қоидасига мослик назарда тутилганиям англашилади. Ҳар ҳолда, жамиятни онгдан мосуво қилиш йўқ унинг мақсадида...


“Ойнаи жаҳон”, яъни телевидениеи ихтиро қилганларга минг тасанно айтамиз ва унинг фаолиятини юритаётганларга Худодан инсофу тавфиқ сўраймиз. Зеро, шу восита тилимизнинг равонлашиб чиқишига, тушунчамизнинг, онгимизнинг бугун бировнинг уйидаги телевизорларни олиб чиқиб, намойишкорона яксон қилиб, ундан фойдаланганларни калтаклаётганлардан кўра фарқлироқ бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

(Давоми 3-саҳифада).

ИБРАТ

Орифлик мақомига эришган

ҲОФИЗ



Бобом – Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимахсумов бетакрор овози, манзурнафас хонишлари, кенг тафаккури, теран мусиқий илми, ибратли ҳаёти ва ижоди билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган, ўз исмига монанд равишда ҳақиқий орифлик рутбасига эришган инсон эдилар. Ўзбек мақом ижрочилиги санъатида ёрқин из қолдирган ҳофиз 1926 йили (ҳужжатларда 1927 йил) Тошкент шаҳрида, Олимахсум Шоший оиласида таваллуд топган.

Бобом ёшлигидан ашула айтишга, соз чалишга қизиқар экан. Аммо, ўзларининг ҳикоя қилишича, тирикчилик важидан болалик пайтидан тўқимачилик корхонасига ишга киради. Дастлаб усталарга шогирд бўлиб, улардан тўқимачилик дастгоҳини ишлатиш сирларини ўрганади, кўп ўтмай, ўзи ҳам уста даражасига етади.

Худо юқтирган бўлса, кишининг истеъдоди юзага чиқмай қолмас экан. Корхонада доимо радио янграб турар, унда берилаётган ашулаларни зеҳни ўткир Орифжон тезда ёдлаб олиб, худди устозлар сингари ижро қилар эди. Унинг бу қобилиятини пайқаган касбдошлари байрам, тўй-ҳашамларга хизматга чақира бошлайди.

Ёш ашулачининг ёқимли овози қўқонлик машҳур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Эшмат Ҳайдаровнинг эътиборига тушади. Бағрикенг устоз бобомни шогирдликка олиб, у кишига Фарғона – Тошкент мақомларида ижро этиладиган бир қанча катта ашулаларни ўргатади.

Профессионал санъат оламига зўр иштиёқ билан кириб келган Ориф Алимахсумов ўз даврининг забардаст хонандалари бўлмиш Карим Зокиров, Турғун Каримов, Акбар қори, ака-ука Шожалиловлар, ака-ука Сўфихоновлар ижро йўлларида ижод қилиб, улар куйлаган қўшиқ ва ашулаларни худди ўзлари сингари маромига етказиб ижро эта бошлайди.

(Давоми 8-саҳифада).

ШУ СОНДА:

ИОСИФ СТАЛИН ва ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ЎРТАСИДАГИ АЁВСИЗ БАҲС

(7-саҳифада ўқинг).

“НЕГА АЙРИМЛАР ЎЗ ТИЛИДА СЎЗЛАШМАЙДИ?”

(2-саҳифада ўқинг).

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ОЧИҚ ЭШИКЛАР



Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон раҳбарининг Яқин Шарқда рўй бераётган хунрезликларга нисбатан ҳаққоний ва одилона муносабати анжуманда катта эътибор билан тингланди. Зотан, Фаластиндаги ноҳақликка жаҳон ҳамжамиятининг бефарқлиги ёхуд нохолис нуқтаи назардан баҳолаши тузатиб бўлмас оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Президент таъкидлаб ўтганидек, минтақадаги ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, хавфсиз гуманитар йўлакларни таъминлаш ва энг асосийси – тинчлик музокараларини бошлаш масалалари бу универсал халқаро тузилманинг доимий эътибор марказида туриши мақсадга мувофиқдир.

“Аминманки, бу қадимий ва бой тарихга эга халқ 1967 йилдаги чегаралар доирасида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил ва озод давлатини тузишга тўла ҳақлидир. Бу борада биз Саудия Арабистони ташаббуси билан ташкил этилган Икки давлат ечими учун глобал альянс фаолиятини ҳар томонлама маъқуллаймиз”, деди ўз нутқида юртбошимиз.

Шунингдек, Президентимиз Фаластин ва Ливан ҳудудидаги мислсиз гуманитар инқирознинг олдини олиш мақсадида давлатларимиз томонидан ҳамда етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ёрдам кўламини кенгайтиришни, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта тажрибага эга бўлган институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлашни, урушда жабрланган фаластинлик болалар ва аёлларни Ўзбекистон шифохоналарида беғараз даволашни таклиф қилди.

МУҚАДДАС ЗАМИНДАГИ НУФУЗЛИ УЧРАШУВЛАР

Мусулмон уламолари орасида муқаддас Ислом дини Арабистон яриморолида нозил қилинган, аммо у айнан Мовароуннаҳрда, бугунги Ўзбекистон заминида сайқал топган, деган фикр тез-тез зикр қилинади.

Дарҳақиқат, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳонуддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд сингари улуғ алломалар яратган буюк мерос бугунги кунда бутун ислом оламининг бебаҳо хазинасига айланган.

Сўнгги йилларда юртимизда виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни ҳимоялаш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилнинг 23 июнь куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарорининг қабул қилиниши бу масалада қўйилган энг улуғ қадамлардан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг араб-ислом саммитида иштирок этиб, глобал мавзуда билдирган дадил ва журъатли фикрлари Ўзбекистон халқаро анжуман кун тартибидаги масалалар юзасидан қатъий позицияга эга эканини яна бир бор намоён этди.

Араб-ислом саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Бош вазири Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашув ўтказди. Ушбу мулоқотда Ўзбекистон-Саудия кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбат давомида давлатимиз раҳбари Ар-Риёддаги фавқулодда саммит ўз вақтида ташкил этилгани ва долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Турли даражалардаги фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Бўлажак олий даражадаги тадбирларга, шу жумладан 2025 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” мулоқотининг иккинчи саммитига тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувда минтақавий масалалар, жумладан, Яқин Шарқдаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ар-Риёдга амалий ташриф доирасидаги тадбирлар якунлангач, давлатимиз раҳбари Бокуга йўл олди.

ҚАРДОШ ЮРТДАГИ ҚИЗҒИН МУЛОҚОТЛАР

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 11 ноябрь куни амалий ташриф билан Боку шаҳрида бўлди. Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчиси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) тадбирларида иштирок этди.

Ушбу анжуман бугунги кунда бутун сайёрамиз аҳлини ташвишлантираётган иқлим ўзгаришлари оқибатларини бартараф этиш масалаларига бағишланди. Таъкидлаш лозимки, мазкур йирик анжуман жаҳондаги 198 мамлакатдан 50 мингдан ортиқ иштирокчини бирлаштирган.

Ўзбекистон Президенти мазкур нуфузли саммит ялпи мажлисида нутқ сўзлади. Президентимиз таъкидлаганидек, иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб, геосиёсий кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетик хавфсизликни таъминлаш, ичимлик суви ва ресурсларидан фойдаланиш муаммолари кучайиб бормоқда. Иқлим ўзгаришлари минтақамизда ҳам аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқариш йўлида тўсиққа айланмоқда.

Президент мамлакатимизда иқлим ўзгариши оқибатларига қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Ўзбекистонда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислоҳотлар олиб борилмоқда. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона гази чиқаришни учдан бир қисмга камайтириш режалаштирилган. Бу мажбуриятлар 2050 йилга қадар янада кенгайтирилади. “Яшил” энергетика улуши 40 фоизга етади.

Ўзбекистон етакчиси глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш мақсадида қатор ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган иқлим хатарларини танқидий таҳлил ва молиявий баҳолаш учун етакчи давлатлар, кўп томонлама институтлар ва конвенцияларнинг техник ва молиявий кўмагини кенгайтириш мақсадида Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этиш таклиф қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мажбуриятлар тўғрисидаги Декларацияни ишлаб чиқиш ташаббуси билдирилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўсимликларнинг иқлимга чидамлилигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкини ҳамда денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун БМТнинг инновацион агросаноат хабини ташкил этиш таклиф қилинди.

Иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши ва яшаш учун қулай шароитлар яратиш соҳасида тажриба ва билим, энг яхши амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш ҳамда унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш ташаббуси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Президент COP29 мамлакатлари вакилларини келгуси йили 15 майда – Халқаро иқлим кунида Оролбўйида ўтказиладиган Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал фестивалига таклиф этди.

ИККИ САФАР – ЯГОНА МАҚСАД

Ўзбекистон раҳбарининг ҳафта давомида амалга оширган икки муҳим ташрифи дунёнинг икки нуқтасида, турли масалаларга йўналтирилган бўлса-да, мақсад мамлакатимизнинг глобал муаммолар ечимида ўз қарашлари, ўз қатъияти ва позициясини кўрсатишга қаратилгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон раҳбари шу кунларда дунёнинг деярли барча мамлакат раҳбарларини жамлаган иккита йирик анжуманда иштирок этиб, муҳокама қилинган глобал масалаларга нисбатан ўз қарашларини, таклиф ва мушоҳадаларини дадил илгари сурди. Бу Ватанимиз дунё ҳамжамиятининг ажралмас ва муҳим бир бўлаги эканининг амалдаги исботи бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонга хайрихоҳ бўлган бир қатор давлатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар, самарали мулқотлар ўтказилди. Бу учрашувлар, келишувлар Янги Ўзбекистон тараққиётида ўз аксини топишига шубҳа йўқ.

Рустам ЖАББОРОВ

ЯНГИ НАШР



Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Озарбайжонга расмий ташрифи давомида озарбайжонлик адабиётшунос ва шоир Акиф Бағировни қабул қилди.

МУҚАДДАС БУРЧ

Азалп тахаллуси билан танилган шоир Акиф Бағиров Наҳичеванда туғилган, аммо тақдир тақозоси билан узоқ муддат Ўзбекистонда яшаб, ижод қилган. Озарбайжон халқини ўзбек адабий муҳити билан яқиндан ошно қилишда фидойилик кўрсатиб келмоқда. Шоир кўплаб ўзбек ижодкорларининг асарларини озарбайжон тилига ўгирган. У халқимизнинг шонли тарихи ва Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги ютуқлари, шу жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан илҳомланиб ёзилган “Ўзбек келаётир” қасидаси билан ҳам машҳурдир.

Учрашувда Акиф Бағиров юксак ҳурмат ва миннатдорлик рамзи сифатида Президентимизга ўзи озарбайжон тилида тайёрлаган “Шавкат Мирзиёев феномени” китобини тақдим этаркан, ўз ҳиссиётларини шундай баён қилди:

– Бу китобни таржимон сифатида сизга етказишни бурчим деб билдим. Шуни айтишим керакки, муҳтарам жаноб Президент, ушбу китобнинг чоп этилишида Озарбайжон зиёлилари ташаббус кўрсатган. Озарбайжон зиёлиларининг орзу-истакларини айнан етказяпман сизга. Сизнинг маънавият билан, маърифат билан, юртнинг ўтмиши билан боғлиқ чиқишларингиз жой олган ушбу китобнинг чоп этилишини кўплаб зиёлиларимиз интиқ кутишди. Муҳтарам жаноб Президент, токи жонимда жон бор экан, Ўзбекистонни ҳам, Озарбайжонни ҳам, жумладан, икки халқнинг қариндошлигини, дўстлигини, тинч-тотувлигини куйлашни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕК ТИЛИМ – ЎЗ ТИЛИМ



“НЕГА АЙРИМЛАР ЎЗ ТИЛИДА СЎЗЛАШМАЙДИ?”

Миллий тил инсоннинг маънавий бойлиги саналади. Оналаримиз айтган аллалар орқали эса руҳиятимизга миллийлик сингдирилади. Ўз тилимизнинг нечоғлик азизлигини болалигимиздаёқ англаб етамиз. Маърифатпарвар педагог Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, дея эътироф этган.

Аслида, қалбида миллий ғурури бўлган инсон ўз она тилида равон сўзлай олиши ва ёза билиши шарт. “Ўзбекман” дея кўкрагини кериб юрган баъзи юртдошларимиз эса тилимизга русча, инглизча сўзларни қўшиб гапиришни ўзларига одат қилиб олган. Баъзилари эса ўзбек бўла туриб она тилида яхшироқ сўзлашишни ҳам билмайди. Сабабини сўрасангиз, рус мактабида ўқиганини, русча таълим олганини рўкач қилади. “Шунинг учун ўзбекчани яхши гапира олмайман”, дея ўзини оқлаб қўяди.

Аммо, бошқа миллат вакиллари бўлган ҳамшаҳарларимизнинг ўзбек тилида ўзимиздан кўра яхшироқ гапираётганини, қадриятларимизни бир ўзбекдан кам бўлмаган ҳолда қадрлаётганини кўриб ўйга толади киши.

33 ёшли Сергей Стопневич гарчи рус оиласида вояга етиб, таълим рус тилида бериладиган мактабда таҳсил олган бўлса-да, ўзбек тилини жуда равон гапиради. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ғазалларини ёддан айтади.

“Тошкент шаҳрида туғилганман. Миллатим рус. Лекин мен Ўзбекистонда туғилиб, шу юртнинг ҳавосидан нафас олиб, тинч ва осуда ҳаётида яшаб камолга етдим. Юнусобод туманидаги 257-мактабнинг рус синфида ўқидим. Ахборот технологиялари университетини ҳам русча бўлимда тамомладим, – дейди биз билан суҳбатда “Дунё бўйлаб” телеканали режиссёри Сергей Стопневич. – Қарийб, 15 йилдан буён Ўзбекистон телевидениесида режиссёр бўлиб фаолият юритиб келаман. Ўзбек тилини мукаммал билганим учун ўзбекча кўрсатувларда ҳам қийналмай ишлайман. Ўзбек тилини маҳалламиздаги болалардан ўрганганман. Дўстларимнинг кўпчилиги ўзбек. Ўзбекларнинг урф-одатларини ҳам жуда ҳурмат қиламан. Баъзан иш юзасидан кўзга кўринган, таниқли ўзбек санъаткорлари, турли соҳа вакиллари билан суҳбатлашиб қоламан. Ишонасизми, уларнинг айримлари ўз она тилини билмайди. Билганлари эса, бузиб гапиради. Сабабини сўрасам “рус мактабида таҳсил олганман”, дейди. “Сиз рус бўлсангиз нега ўзбекча гапирасиз?” дея саволга ҳам тутишади баъзан . Мен уларга қараб туриб гарчи миллатим рус бўлса-да, “Йўқ, мен ўзбекман, асл ўзбекистонликман”, дейман. Нега айримлар ўзбек бўла туриб ўз тилида сўзлашмайди? Тўғриси, бу саволга ҳали-ҳануз жавоб топа олмадим.

Наслинг, аслинг ўзбек бўлса-ю, ўз тилингни билмасанг. Шу Ватанда яшасанг-у, ўзга тилда сўзласанг? Бу – тилга ҳурматсизлик эмасми? Оилалиман, битта фарзандим бор, фарзандимга ҳам ўзбекча гапираман, аёлим ўзбек тилига тушунади-ю, ҳали унчалик яхши гапира олмайди. Ўзбекистонда туғилгансан, шу ерда яшаяпсан. Демак, ўзбек тилида соф гапиришни билишинг, халқ урф-одатларини ҳурмат қилишинг керак, дейман рафиқамга ҳам. Онам ҳозир нафақадалар. Улар ҳам ўзбек тилида жуда яхши гапирадилар”.

Сергей Стопневич билан гаплашар экансан, кўнглим ўзгача бир ғурурга тўлди. Унинг миллий қадриятларимизга садоқатини, шу муқаддас Ватанимизга меҳрини, бобомиз Навоий ғазалларини ёдлаб, завқ билан ўқишини элимизга, тилимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром деб тушундим.

Зеро, Ўзбекистондай жаннат диёрда улғайиб камолга етган рус ўғлонининг она тилимизга эътиқодини, ўзбеклигини тан олмай, ўзлигидан кечиб бораётган баъзи бир юртдошларимизга ибрат кўзгуси қилиб кўрсатиш шарт ва лозим эканлигини теранроқ англадим.

Зарнигор ИБРАГИМОВА

“ДУНЁ ЯНГИ НАВОИЙ ВА ХОРАЗМИЙЛАРНИ КУТМОҚДА...”

Бошланиши 1-саҳифада.

Буюк бобомиз номида таъсис этилган мукофот замонамиз илм ва санъат аҳлини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, инсоният манфаати учун янада кўпроқ ишлашга ундайдиган муносиб бир ташаббус, деб ҳисоблайман. Бу мукофот Алишер Навоийнинг барча орзу-истакларини, бугунги туркий давлатларнинг эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган бир тимсолдир. Менинг камтарона хизматларим улуғ даҳонинг муборак номи билан аталган мукофотга муносиб кўрилганидан кўнглимда чексиз фахр ҳиссини туйдим.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай юксак эътироф учун мир Алишер Навоий номини халқаро майдонга олиб чиққан, Ўзбекистонда улкан тараққиёт ва ўзгаришларни амалга ошираётган Президент Шавкат Мирзиёев жаноби олийларига, Туркий давлатлар ташкилотига ўз миннатдорлигимни билдираман.

– Айтинг-чи, Алишер Навоий мукофоти турк дунёсининг ўзига хос Нобель мукофоти бўла оладими?

– Ҳа, дунё учун бундай мукофот керак. Лекин уни Нобель мукофоти билан қиёслаш, менимча, унчалик тўғри бўлмас. Навоийнинг мавқеи нақадар юксак бўлса, унинг табаррук номи билан аталган мукофотнинг нуфузи ҳам шу қадар баланддир. Бугун туркий халқлар ўз ўтмишида бўлгани каби ёруғ келажакка олиб борадиган улкан, олис ва машаққатли йўлнинг бошида турибди. Бу йўлни шараф билан босиб ўтмоқ учун аввало биз, зиёлилар – шоир ва ёзувчилар, олимлар ва муаллимлар ўз миллати ва давлатининг илгаригидек жаҳоннинг энг пешқадам мамлакатлари қаторидан ўрин олиши, юксак тараққий этган маданият ва тамаддунга эришиши учун бирлашуви, астойдил меҳнат қилишлари керак.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли бурчакларида ва ўз юртларида айни шу мақсад билан сидқидилдан меҳнат қилаётган юз минглаб ёш ва ғайратли ватандошларимиз, миллатдошларимиз бор. Уларнинг орасидан маълум натижаларга эришган ва жаҳонда эътироф этилган истеъдод эгаларини топиш, хизматларини қадрлаш ва бошқаларни бу эзгу йўлда рағбатлантириш учун ҳам Алишер Навоий номи билан аталган мукофотни худди Нобель мукофотининг каби адабиёт, санъат, фан ва технология соҳаларига ҳам татбиқ этилиши ҳар жиҳатдан тўғри, деб ўйлайман. Бу мукофот биринчи навбатда инсоннинг фидойилиги, ватанпарварлиги, гўзал ахлоқи, ўз халқи ва башариятга хизмат қилиш бахтининг улуғвор рамзи сифатида албатта кенг эътироф этилишига аминман.

– Муҳтарам устоз, “Jadid” газетаси ўқувчиларига тилакларингиз?


– 2018 йилда Ўзбекистонга илк марта борганимда жаноб Президент Шавкат Мирзиёев нафақат ўзбек ёшларига, балки бутун дунёга қарата “Нажот – илмдадир”, деган теран маъноли муждани берганига гувоҳ бўлган эдим. Мен бир олим сифатида бу фикрни чин дилдан қўллаб-қувватлайман ва ёшларимизнинг, дарҳақиқат, нажот фақатгина билимда, таълим ва тарбияда эканлигини чуқур англашларини истайман. Чунки бугун дунё янги Навоий ва Хоразмийларни, Улуғбек ва Бухорийларни интизорлик билан кутмоқда.

Миллатимизнинг гултожи бўлган иқтидорли ёшларимизнинг ҳозирги кунда олтиндан, олмосдан ҳам қиммат вақтларини беҳуда сарфлашга асло ҳақлари йўқ. Умрнинг қайтмас ҳар бир дақиқасини илм-маърифат олишга, касб-ҳунар эгаллашга бахш этиши керак. Бу тартибда ишлаш ва таълим олиш фарзандларимиз, ёш наслларимиз учун кундалик турмуш тарзига айланиши зарур. Бугун стратегик фикрлаш улар эгаллаши лозим бўлган энг муҳим кўникмалардан биридир.

– Қадрли домла, Сизни юксак мукофот билан яна бир бор қутлаб, Ўзбекистон заминида кутиб қоламиз.

Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ суҳбатлашди.

ЭЪТИРОЗ



УЯТСИЗЛАРДАН УЯТ!

Нафақага чиққанингдан кейин эрмагинг “зангори экран” бўлиб қолар экан. Қолаверса, кечки овқат пайти оилавий телевизор томоша қилишнинг гашти бошқача. Бир пайтлар “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари”, “Навоий”, “Юлдузли тунлар” сериалларини бутун оила жамулжам бўлиб кўрганмиз, ўзаро мулоҳаза юритганмиз.

Лекин кейинги пайтларда одам телевизор мурватини бурашга ҳам қўрқиб қолди. Қўясан, болаларинг, айниқса, келинларинг олдида уялиб қоласан. Шу сериалларни ёзган, саҳналаштирган “ижодкор”ларнинг ўзлари ҳам оила даврасида кўра олишармикин ўз маҳсулотларини, ё ўзи емаган ошни бошқага улашармикин? Телеканал раҳбарлари-чи? Шу бетайин, маза-матрасиз жойларини бемалол томоша қила олармикин? Ўйлашимча, ундай лавозимларда ўтирадиганларнинг савияси, диди мендай оддий ўқитувчиликдан нафақага чиққан томошабинникидан анча баланд бўлиши керак.

Хуллас, кўриб бўлмай қолди телевизорни. Набиралардан уят. Лекин нима қилайлик? Кеч бўлганда бировникига чиқолмасанг гаплашиб ўтираман деб. Телевидениега талабимиз бор: тартибга олсин! Назорат ўрнатсин! Бадиий кенгашлари бор бўлиб, ухлаб-пухлаб қолган бўлса, уйғотсин! Йўқ бўлса, тузсин! Қанча фаросатли, жонкуяр зиёлиларимиз бор, эфирга чиқаришдан олдин бир кўрсатиб олишса, ана ўшалар тасдиқлаб берган сериалларни чиқаришса, биз кексаларни бола-чақамизнинг олдида ўсал бўлиб ўтиришдан қутқаришар эди. Тарбиявий, тарихий сериаллар ишласин режиссёрларимиз кўпроқ. Кўриб, э, падарингга қусур, демайлик. Маданий ҳордиқ олайлик.

Баҳром НУРМУҲАМЕДОВ,
Меҳнат фахрийси
Тошкент шаҳри

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС. КЕНГАШЛИ ТВ-ЧИ?

Бошланиши 1-саҳифада.

Бугун барчамиз ҳам шу экран қаршисида кунимизнинг маълум қисмини ўтказамиз. Ёшлигимизнинг бир кундаги икки, нари борса уч соатинигина “ойинаи жаҳон” қаршисида ўтказиб, қанча нарсага эришдиг-у, бугунги юзлаб каналларнинг кун бўйи ишлаётганини назарда тутсак, қанча таъсир қабул қиляпмиз? Буни тасаввур қилолясизми?!

Ўйлаб кўринг-а, биргина юртимизнинг ўзида қанча телеканаллар бетин ишлаяпти. Ҳа, бетин ва айни дамда аксари бетизгин ишлаяпти... Шуниси энг катта муаммо. Майли, давлат телевидениеларининг-ку бир йўриғи бор. Лекин хусусий деб ном қозонган ва хусусийликни эркинлик, эркинликни бетизгинликка важ қилиб ўз ишини “эплаб” келаётган каналларимизга “Ҳой, нима қиляпсан?!” дейдиган топилмай қолдиёв, назаримда. Бу борада “мисол учун” деб бир бошидан санаб кетиш мумкин. Лекин саноқдан чарчайсиз. Куннинг исталган вақтида экранингизни ёқинг, сал бўлса-да онгу шуури бор одамнинг кўнглини оғритадиган дастурлар тўлиб-тошганига гувоҳ бўласиз.

Сўзимиз бошида жамият сўзини бекорга такрор-такрор ишлатмадик. Теледастур жамият ичида тарқайди ва унга бевосита таъсир ўтказади. У хоҳлайлик-хоҳламайлик аҳолининг турли қатламида, яъни “вижир-вижирлабгина” сўз ўрганаётган мурғак боладан тортиб, кексайиб видосини айтаётгангаям ақл ўргатувчи восита. Масалани оҳанжамо ифодаларсиз ўртага ташлай қолайлик: жамият асрлар давомида ҳаёт синовларидан ўтказиб қабул қилган умумманфаатли қоидаларнинг тескарисини тарғиб қилишга кимнинг ҳаққи бор? Кимнинг ҳуқуқи кафолатлики, экранга чиқиб давлат тилининг оёғини осмондан келтириб “сўзамоллик” қилишга?! Нима ҳаққи борки, қайнота билан келинни севиштириб, келажакнинг бетини қотиришга?! Нима учун ўз ҳаминқадар савиясига бошқаларни мослаштириши керак? Қўшиқ экан, сериал экан деб асрлар ортида яратилган ва бугунги асл дурдоналаримизнинг ҳам савиясига ўзга юрт, ўзга миллатлар наздида шубҳа пайдо қилишга кимдир ҳақлими?



Экранларимиз қаршисида ўтириб қолган қайси хорижлик бизнинг асл даражамизни англаяпти экан бу сериалу шоулардан. Ҳа, сериал керак, шоусиям бор бўлсин, майли. Аммо... Нега сериалнинг қолипини (сценарий демайман) хорижнинг, хориж бўлгандаям бизга бир тукиям ўхшамайдиган ғарбнинг “намуна”ларидан оламиз? Ўз шоу намуналаримиз йўқмиди?! Бор! Ахир тадбирларда карнай-сурнай чалиб жар солиш, турли халқ ўйинлари шоу эмасмиди?

Тўғри, ҳар бир телеканалнинг ўз мақсади бор. Айниқса, хусусийларининг бош мақсади – маблағ! Бусиз шу телеканалнинг фаолиятига ҳам нуқта қўйилади. Аммо танганинг иккинчи томониям бор-ку? Иккинчи томонда жамият ҳаёти, инсонлар маънавияти, халқимиз қадрияти, ёшлар тарбияси турибди.

“Хўш, гапни айлантириб цензура амалиётига қайтишга тақаяпмизми?” Шундай савол туғилади, албатта. Зотан, бу шубҳага асос ясаб сўзим аввалида тизгинлашга ишора бериб қўйдим. Баҳслашишга тайёрман бу борада. Тизгин керак. Бетизгинлик ҳеч даврда ҳеч бир жамиятга, ҳеч бир халққа, ҳеч бир давлатга барака келтирмаган. Баҳсга асос бор. Бундай бетизгинлик ортидан жамият ҳамияти, юртдошлар, миллатдошлар маънавий даражаси бус-бутунлигича молиявий ютуқ эвазига гаровга қўйиб юборилади. Бунинг учун нафақат баҳслашиш, балки бу негатив вазиятга қарши чоралар таклиф қилишга ҳақлимиз.

Шундай чоралардан бири сифатида даставвалига барча телеканалларда Жамоатчилик Кенгаши тузиш зарурияти борлигини қайд этган бўлардик. Хоҳ у давлат телеканали бўлсин, хоҳ хусусий бўлсин (зотан, барчасининг жамиятга таъсири бир хил) шу Кенгаш (у “кенгаш” деб аталадими, бошқачами, аҳамияти йўқ) талабларини бажарсин.

Ўринли саволларга жавоб Кенгаш низомида акс этиши зарур. Яъниким, кенгаш сериал ёки кўрсатувнинг, ҳатто мусиқанинг шу жанр, жамият қонунлари талабларини бажара олиш даражасига баҳо беради, холос. Шунинг учун Кенгаш аъзолари таркибига, шубҳасиз, танилган ва тан олинган кино мутахассиси, ёзувчи ё шоир, актёр, санъаткор ва бошқа касб вакиллари, жамоатчи фаоллар киритилиши мумкин.

Билмадим, балки ҳар бир телевидениенинг ўзида бундай вазифани бажарувчи кенгашми ё бошқа бир таркиб бордир. Улар ўз йўлига. Ички шароитдан келиб чиқиб ишлайверишсин. Аммо ўз ичингдаги ўз манфаатинг, хусусан, моддий манфаатларинг тизгинида мақсаддан чекинишинг нақд гап. Зотан, гап умуммиллий манфаатлар ҳақида кетмоқда.

Чори ЛАТИПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ОФРИҚ

БИЗНИ ҚАЁККА ЕТАКЛАШЯПТИ?



Телевизорда намойиш этилаётган савиясиз сериаллар ҳақида ташвишланиб кўп бора бонг урилди. Аммо шундай масала ҳам борки, телевизорда эфирга берилмаётган нарсалар ижтимоий тармоқлар орқали узатиляпти. Ҳаттоки айрим платформалар учун махсус сериаллар ишланяпти. Таассуфки, уларни томошабини телевидениеникидан анчагина кўп. Жамоатчилик қоралаган сериалларни ҳам интернет орқали томоша қилиш имконини топишмоқда. Бу каби сериаллар инсон руҳияти, ёшлар тарбиясига, аёллар дунёқарашига таъсир ўтказмай қолмайди. Шу билан бирга инсониятни маънавий қашшоқлаштириб, фикрлашдан узоқлаштиради.



“Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга айланолмайди. Аммо инсон уятини йўқотиб, ҳайвонга айланиши мумкин.

Абдулла ҚАҲҲОР



Бугунги ёшлар (асосан, қизлар) интернет тармоқларида сериал кўришни (ҳобби) қизиқарли машғулотига айлантириб олишган. Метро ёки автобусларда, хиёбонларда ўтириб ёки уйларида ёнбошлаб олиб соатлаб сериал томоша қилишга одатланишган. Ўрганишлар натижасига кўра, ўн-ўн тўққиз ёшли қизлар корейс драмаларининг, йигирма-йигирма беш ёшлилар эса турк сериалларининг ишқибози эканлиги аён бўлди. Мазкур рақамларни шунчаки ёзмадик, ижтимоий тармоқ кузатувчилари сони, сериаллар остидаги изоҳлардан келиб чиқиб шу тўхтамга келдик.

Нодавлат телеканалларда авж олган баъзи савиясиз теленовелла ва сериалларни ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиш орқали томошабинга “қармоқ” ташланмоқда. Масалан, “Sevimli” каналининг “Instagram” ижтимоий тармоғидаги саҳифасига “Синглим” сериалидан парча жойланган. Тармоқ фойдаланувчиларини жалб қилиш учун ушбу парчага “Энди Азизнинг меҳри қайнонасига ошиб кетди”, деб ёзилган. Шу пост тагидаги изоҳларга эътибор қаратдик: “Ёқимсиз кино. Сингил ўз опасини эрига ҳам осиладими? Умуман, ўзбеклигимиз йиғлади”, деб изоҳ билдирган Феруза Йўлдошева. Фикрлар орасида шунга ўхшаш эътирозлар талайгина. Бироқ телеканал томонидан битилган ифодани шунчаки кулгига олганлар ҳам анчагина эди.



“Келин нега ўз тўйидан қочди?” деб номланган яна бир теленовелла кўпчиликнинг диққатини тортган. 2404 та ёқтирма (лайк) босилган. Сериал рекламасида “Бизга плюс белгисини қолдиринг ва биз сизга ушбу теленовеллани YouTube каналида кўриш имконини берувчи ҳавола юборамиз”, деб ёзиб қўйилган. Изоҳларда эса беш юздан кўп аёлу эркак “+” белгисини қолдирганини кўриш мумкин. Мана, маркетингнинг яна бир тузоғи.

Бугун ёш қизларнинг ҳаёси, ибоси ҳақида гапирар эканмиз, наҳотки мана шу каби савиясиз сериал ва новеллаларнинг таъсири ҳақида ўйламаймиз? Улар бизни қаёққа бошлаяпти? Ижтимоий тармоқларда “фалон жойда янги музей очилди, фалончи ёзувчининг янги китоби нашр этилди” каби хабарлар учун бунча лайк ва изоҳ берилмайди. Аммо юқоридагидек мавзудаги сериалларга одамлар эринмай изоҳ ёзади, муҳокама қилади, кўришга интиқади. Мана шунинг ўзи жаҳолат ботқоғи эмасми?

“Milliy TV” телеканалининг “Instagram” ижтимоий тармоқ саҳифасида қуйидагича сўровномага кўзимиз тушди: “Қайси сериални мунтазам томоша қиляпсиз?” мурожаати остида кун давомида эфирга узатилаётган сериаллар кетма-кетлиги берилган. “Баҳар”, “Сенсиз 3”, “Бахт овчиси 4”, “Йиғлаган қизлар 3”, “Бойхоним 2” дея ёзилган. Сўровнома тагидаги 125 та изоҳ орасидан “Баҳар” сериалини кечқурун қўйинглар, келинларим иш билан банд бўлиб кўра олмаяпти”, “Битта “Баҳар” сериали тузукроқ, қолган ҳаммаси тупойча, ўзбек сериаллари камайсин, жонга тегди бир хил мавзу”, “Ман ҳаммасини кўрвомман, ҳаммаси зўр” каби изоҳ ёзиб қолдирганлар талайгина.

Рекламалар орасида “Алфонс. Бахт овчиси” сериалидан келтирилган парчани кўриб худди изоҳларда ёзилганидек “кўнглим айниди”. Олтмиш ёшлардаги бева аёл ўттиз ёшлардаги жазманини “овқатлантириб” ўтирган тасвири “Milliy TV” каналида берилаётганига ишониш қийин.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик томонидан қайта-қайта кўтарилаётган телеканаллар қошида бадиий кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш таклифини қўллаб-қувватлайман ва ушбу кенгаш телеканалларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини ҳам назоратга олиши шартлигини алоҳида таъкидлайман.

Санобар КЕНЖАЕВА,
педагог

ТАҲРИРИЯТДАН:

Газетамизни кузатиб бораётган муштарийларга яхши маълумки, биз юқорида кўтарилган оғриқли масала юзасидан серияли туркум танқидий мақолалар чоп этиб, бадиий кенгаш заруриятини кун тартибига қўйганмиз. Эълон қилинган мақолалардаги талаб ва таклифларга кўплаб юртдошларимиз ўзининг хайрихоҳ эканини билдириб, мактублар йўллашган ва қўнғироқлар қилишган.

Аммо кўтарилган мавзуга бевосита дахлдор бўлган телеканаллардан садо чиқмагач, “Эҳтимол, ижодкор дўстларимизнинг газета ўқишга вақтлари бўлмаётгандир”, деган яхши гумонда ўша мақолаларни илова қилиб, (масалан, жорий йилнинг 7 май куни “Менинг юртим”, “СевимлиТВ”, “ЗўрТВ” ва “Миллий ТВ”) каби телеканал раҳбарларига сўровнома юборган эдик.

Афсуски, йўллаган хатимизни ҳам ўқишга фурсат топишолмади чоғи, яна “лом-мим” дейишмади. Ноумид – шайтон. Бу гал бевосита томошабинларнинг мулоҳазаларини жамоатчилик эътиборига ҳавола этяпмиз, кошки...

НИЯТ, ҚАТЪИЯТ – МУВАФФАҚИЯТ

Бошланиши 1-саҳифада.

– Ойдин Ўтамуродовна, аввало, сизни иккинчи бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланганингиз билан табриклаймиз. Маълумки, амалдаги қонунлар ҳам халқ манфаати ва тараққиёт талаблари нуқтаи назаридан қайта ишланиб, такомиллаштириб борилади. Ўзгаришлар нафақат қонунларда, балки сайлов жараёнларида ҳам юз кўрсатмоқда. Айтинг-чи, сизнинг назарингизда бу йилги сайлов олдингиларидан нимаси билан фарқланди?

– Табрик учун раҳмат. Сир эмаски, давлатимиз ривожланган давлатлар билан кенг қамровли ҳамкорликка киришди. Ҳамма соҳада ривожланиш жараёни кечяпти. Шу боис бугун дунё мамлакатлари Ўзбекистонга ўзгача қизиқиш билан қараяпти. Жумладан, бу галги парламентга сайлов жараёнларига ҳам хорижий мамлакатларда қизиқиш анча юқори бўлди. Ўтган галги маҳаллий кенгашларга сайловда Халқаро кузатув комиссиясидан демократик сайловларга эришиш бўйича 26 та тавсия олган эдик. Бу тавсияларнинг 19 таси мана шу сайлов жараёнларида амалиётга татбиқ қилинди. Бу эса сайловнинг янада демократик, очиқ ва шаффоф ўтишини таъминлади. Можоритар ва пропорционал сайлов тизимига ўтишимиз бизни халқ билан янаям яқинлаштирди.

Тарғиботга рухсат этилган кундан бошлаб беш ҳафта давомида ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, юзма-юз, очиқ мулоқот қилдик. Маҳаллалар, хонадонларга кириб бордик. Дебатларимиз жонли эфирда тўғридан тўғри намойиш қилинди. Жонли эфирда ё бир оғиз гап, ё бир лавҳа қирқиб олинмайди, буни ўзингиз яхши биласиз. Бу сайлов депутатликка номзодлар ва партиялар ўртасида чинакам курашга айланди, деб айта оламан. Жараён талаби сабаб биз ҳам бошқа номзодлар ва партияларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб бордик. Бу эса ўз навбатида, бир-биримизнинг дастурларимизда илгари сурилган масалаларга ёндашувимизни кучайтирди. Керак жойда бир-биримизни танқид қилдик, керак жойда ўргандик ҳам. Дебатлар, учрашувлар, мулоқотлар ижтимоий тармоқлар орқали ҳам эфирга узатиб турилди. Жуда кўпчилик изоҳ ёзди. Бу – халқ орасида сайловга муносабат ўзгараётганини, юртдошларимиз қонунчилик фаолиятига бефарқ эмаслигини яна бир карра исботлади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги сайлов жараёнлари демократик жиҳатдан тараққий этиб бораётганига гувоҳ бўлдим.

– Бу йилги сайловларда халқ томонидан сайланган вакиллик органлари депутатларининг қарийб қирқ фоизини аёллар ташкил этди. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишдан кўзланган мақсад нима деб ўйлайсиз?

– Аёл ўз хонадонида оила аъзоларидан ҳар бирининг дардини билади, ҳамманинг ташвишидан бохабар бўлади. Эркак киши рўзғорга нима кераклигини ҳам аёлидан сўрайди. Жамиятда ҳам шундай. Яъни, аёл ижтимоий оламдан эркакларга нисбатан кўпроқ хабардор. Болалар ва хотин-қизлар учун қандай шарт-шароит кераклиги тўғрисида аёлга маслаҳат солмай бўлмайди. Бир мисол, Европада туғилишнинг камайиб кетиши глобал муаммога айлана бошлади ва бу масала аёл депутатлар томонидан парламентга олиб чиқилди. Масалага сиёсий ечим берилди ва ҳомилани аборт қилдириш тақиқланди. Ёки Польша парламентида ишчи-ходимлар учун ишхоналарда яратилган шарт-шароит қанақа бўлиши кераклиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳам аёл депутатлар кўтариб чиқди.

Бизнинг қонунчилигимизда ҳам аёл депутатларимизнинг таклифлари билан бир қатор янгиликлар юз берди. Масалан, 2019 йилда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги қонун қабул қилинган эди. 2020-2024 йиллар давомида ушбу қонун хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоялаш тўғрисидаги нормалар билан янада бойитилди. Шунингдек, олий ўқув юртларига кириш учун тест имтиҳонларида паст балл тўплаган иқтисодий ночор абитуриентларга имтиёзли тавсияномалар асосида ўқишга кириш имкониятлари берилди. Тадбиркор аёллар учун кредитлар, ижтимоий кўмакка муҳтож аёллар учун субсидиялар... Бундай мисоллар жуда кўп.

– Баъзи давлатларнинг мактаб ўқув дастурига бошланғич сиёсий тушунчаларни ўргатадиган дарслар киритилган. Уларнинг ҳатто кичик ёшли ўқувчилари давлатни қачон республика деб аташ мумкин ёки автоном республика деганда нима тушунилади, логотип, герб ёки байроқ халқаро стандартларга жавоб бериши учун қандай талаблар борлиги ҳақида билади. Бизда эса бу саволларга ҳатто ўқитувчиларнинг айримлари ҳам жавоб беролмайди. Нима деб ўйлайсиз, янги авлодга сиёсий этикани болалигидан ўргатиб бориш керакдир балки?

– Фикрингизга қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам, депутатларнинг аҳоли билан учрашувларида энг қийнайдиган масала одамларнинг халқ вакили олдига тушуниб-тушунмай талаб қўйишларидир. Кўтариладиган масалалар бир оила доирасида эмас, энг камида битта маҳалла қамровида бўлиши керак аслида. Агар сайловчида сиёсий тарбия шаклланган бўлса, бу борада ҳам муаммо бўлмайди.

– Ижодкор эркинликни хоҳлайди, сиёсат эса уйғоқликни талаб этади. Сиз таниқли композиторсиз. Қонунчилик фаолияти билан андармон бўлиб, ижодни унутиб қўймаяпсизми?

– Парламент тарихига эътибор берадиган бўлсак, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Ҳалима Худойбердиева, Энахон Сиддиқова каби таниқли шоир ва ёзувчиларимиз депутат сифатида ҳам қизғин фаолият олиб боришган. Лекин уларнинг ҳеч бири ижоддан четга чиқиб қолмаган. Ҳозир ҳам Олий Мажлисда, маҳаллий кенгашларда ижодкорлар кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, бу гал сайланган депутатлар таркибининг 35 фоизи илмий даражага эга зиёлилардан иборат. Сафимизда таниқли адиблар, педагоглар, атоқли профессор-олимлар ҳам талайгина. Бу факт ўз навбатида, халқимиз кўпроқ илм ва адабиёт вакилларига ишонч боғлаётганлигидан далолатдир. XXI аср кишиси, албатта, ҳар томонлама етук бўлмоғи лозим. Шу маънода, депутатлик менинг ижодий фаолиятимни чеклаб қўйгани йўқ. Аксинча, янги асарлар яратишимда қўл келмоқда. Аввалари ўз истагим доирасида ижод қилган бўлсам, ҳозир халқимизнинг талаб ва истакларини ҳам ҳисобга оляпман. Яъни, энди ижод қамровини янада кенгроқ тутяпман.

Ўтган галги депутатлик фаолиятим даврида бир шогирдимнинг “Жалолиддин Мангуберди” балетини ёзишига раҳбарлик қилдим. Ушбу балет ўтган йили декабрь охирида Ўзбекистон давлат хореография академиясининг талабалари томонидан саҳналаштирилди. Шу шогирдим яқинда менинг раҳбарлигимда “Усмон Носир” драмасига опера-оратория ҳам ёзди. Айни кунларда бу асар премьерасини ўтказиш тараддудидамиз.

Ўзим қорақалпоқ театри учун “Қорақалпоқ” суетасини ёздим. Ва шу жараёнда қорақалпоқ мусиқа маданиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чуқур ўргандим. Ҳозир симфоник оркестр учун Амударё билан боғлиқ халқ афсонаси асосида қорақалпоқ оҳанглари билан янги мусиқий асар ёзяпман. Бу ижодий ишим ҳам якунига етиб қолди.

– Сиз Зулфия номидаги давлат мукофотининг илк совриндорларидан бирисиз. Ўтган йиллар давомида яна юзлаб иқтидорли қизларимиз ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлишди. Аммо бугун катта майдонда уларнинг кўпчилиги умуман кўринмаётгандек. Нима деб ўйлайсиз, мукофот эгаси шу мавқега лойиқ бўлганини ҳамиша исботлаб яшаши керак эмасми?

– Мен бу мукофотга йигирма беш ёшимда сазовор бўлган эдим. Унгача мени “композитор”, “ижодкор”, “шахс”, “аёл” каби ўз идеалларим тарбиялаб бўлганди. Халқимизнинг севимли шоираси Зулфияхоним ҳам мени ғойибона тарбиялаган ана шу идеаллардан бири бўлган.

Шундай нуфузли мукофотнинг қадри бир-икки совриндор фаолияти билан белгиланмаслиги керак, деб ўйлайман. Зулфия мукофоти соҳибаларига нисбатан салбий фикрлар янграса, дилим оғрийди. Чунки мен ҳам улардан бириман, шу давранинг бошидаман. Бу номни оқлаб яшаш учун ўзимда ҳамиша масъулият сезаман. Зулфия номидаги давлат мукофотининг мавқеини сақлаб қолиш бу нишонни кўксига таққан ҳар бир ўзбек қизининг виждоний бурчи бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

– Қизалоқ Ойдинни профессор, таниқли композитор, камига сиёсий арбоб Ойдин Абдуллаева даражасига етказган омил нима?

– Менимча, қатъият. Болалигимда боғчага биров етаклаб боришини хоҳламаганман. “Ўзим бораман”, деб хархаша қилардим. Онам пана-паналаб эргашиб борганларини кўриб қолсам, ўша заҳотиёқ ортимга қайтиб, у кишидан уйга қайтишини талаб қилардим. “Мени пойлаб юрманг”, деб эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетар эдим. Қайсар қизча бўлган экан-да. Тўққизинчи синфда ўқиётганимда синфдошларим билан ўғил болачасига уришганим эсимда. Онам билиб қолиб, жуда қаттиқ койиган. Онагинамнинг дашномидан ўзимга келганман. Ўша кундан бошлаб ўзимни ўзим тарбияладим. Консерваторияга ўқишга кирганимдан кейин яна яхши томонга ўзгардим. Фаоллигим ошди. Мақолалар ёза бошладим. Ёзганларимни кўтариб таҳририятга, Аҳмаджон Мелибоев, Гулчеҳра Умарова каби устоз журналистлар ҳузурига борардим. Улар менга кўп зарур маслаҳатлар берган, ёзганларимни таҳрирлаб, газетада чоп этишган. Таҳририятга борганимда бино ичкарисига киритишмаса, эшикбонларни алдаб бўлса ҳам ўтиб кетардим. Қатъиятим бўлган, “Қандай бўлмасин таҳририятга кираман”, деган мақсад қўйганман ўзимга. Мана шу қатъият ҳаёт йўлида менга жуда асқатди. Кейинчалик феълимдаги бу хусусиятлар қаторига сабр-тоқатли бўлиш ҳам қўшилди. Ҳозир одамларни тоқат билан тинглайман, сайловчиларимнинг маъқул-номаъқул талабларига вазминлик билан қарай оламан.



2013 йилда “Адолат” партиясига аъзо бўлдим. 2014 йилда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига депутат этиб сайландим. Шаҳар кенгашида катта иштиёқ билан фаолият олиб бордим. Кейинчалик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодим қўйилди. Аввалги фаолиятимда иккита туман миқёсида ишлаган бўлсам, ҳозир ҳудудим кенгайган. Номзодим кўрсатилган 72-сайлов округи 130 маҳаллани ўз ичига олади. Кам эмас, 371 мингдан зиёд сайловчининг диққат марказидаман. Энди то ваколатим тугагунигача улар билан биргаман, ўз ҳаётимдан кўра кўпроқ эл ташвиши билан яшайман.

Осмондан тушмаганман, қийинчилик нималигини биламан. Ўша сўм-купон даврида, йўқчиликда талаба бўлганман. Глиэр номли мусиқа мактабида ўқиб юрган кезларимда интернатда бериладиган нонни уйга кўтариб келардим. Чунки ўшанда дўконлар бўм-бўш, нон топиш амримаҳол бўлиб қолган эди. Мусиқа мактабида уч нафар хонадош қиз совқотмаслик учун кроватларимизни бирлаштириб, пальтога ўралганча бир-биримизнинг пинжимизга суқилиб ётганимиз ҳанузгача ёдимда. Шароит йўқ, тонгда уйқудан туриб, муздай сувда юз-қўлингни ювишинг керак. Эрталабки бадантарбиядан сўнг қўлларимиз кўкариб, мактаб ҳудудини супурардик ҳам. Ҳозир одамларнинг нолиганини кўрсам, ўша кунларни эслайман. Биз қийналяпмиз деб ўйламаган ҳам эканмиз ўша пайтларда.

Ота-онам ўқишимизга жуда жиддий эътибор қаратган. Бутун ўқувчилик давримда бир мартагина “4” баҳо олганман. Шу куни онам роса йиғлаган. Паст баҳо олганимга йиғлаганлари учун виждоним эзилган. Ўзим ҳам эрталабгача ҳўнграб чиққанман. Билимли бўлишимиз учун оилада қўйилган талаб шу даражада кучли эди. Эҳтимол ана шу талаб мени бугунги даражага етказгандир...

– Депутат – халқ ва ҳукумат ўртасида элчидир. У тараққиёт ва эзгулик учун адл турмоғи керак. Сизга ана шундай машаққатли ва шарафли вазифада куч-қувват тилаймиз. Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Муҳайё ПИРНАФАСОВА суҳбатлашди.

ЗАРДА

Энг аввалида туйғу кўнгилни тебратди, кўнгил фикрни тебратди, фикр қўлни тебратди, қўл қаламни тебратди, кейин шеър пайдо бўлди! Шеър эса илҳомни тебратди, илҳом овозни тебратди, овоз дуторни тебратди. Унинг куйини тинглаганлар маст бўлиб, бошини тебратди.

Алқисса, кун етди, бахши оламдан ўтди. Унинг фироғи дунёни тутди. Яхшилардан бири: “Шоирни тез-тез эслаб турсак, ўзи яшаган ҳовлида уй-музей қурсак, нима дейсан, ўн минг уйли қариндош”, деди? Тенгу тўш, қавму хеш, элдошу юртдош аввали хўш деди, кейини хуш деди! Ҳукумат биздан битта фармойиш деди! Музей 2023 йилнинг декабрь ойида очилиши лозим эди. Масъуллар мастмиди ёки шашти пастмиди, шугина ишнинг ижроси туя гўшт еди.



“КЎНГЛИМДА АРМОН ЁТАР ТЕРСКАЙДАГИ ҚОР МИСОЛ...”

ёхуд Тўра Сулаймон уй-музейи ташвишида бир сўз

Сирдарё вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачи ташкилот бўлган. Бу ишни “Boyovutlik Islombek trans” МЧЖ тендерда ютиб олган. Пул кечиккан, иш қолган, қор ёғган.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги Азамат Хатамов чизган эскиз танловда ғолиб эди. Уни ясашга маблағ берилмай тургани учун ҳайкалтарош ўйга толиб эди, ижод кузга қолиб эди. Ўлмаган қул кузга етди, ишлар юришиб кетди. Раҳбар пулни тебратди, пул устани тебратди, уста рандани тебратди. Ишбоши ҳушёр бўлди, иморат тайёр бўлди. Лекин шунча тевалаш билан ҳам тепса-тебранмайдиган ташкилотлар сабабли музей экспонатларини бағрига олувчи буюмлар ҳалигача етиб келмади. Биз мухлислар “музей қачон битади” деб югурмаган идорамиз қолмади. Масъуллар ўриндиғини тебратиб-тебратиб, жилмайди-ю, жилмади. Шуларни тезроқ тебратиб берадиган одам керак, кутубхонага китоб, ижодхонага гилам керак.


Биз-ку майли, уч мингдан ошиқ экспонат музейга маҳтал. Шугиналар иссиқ ўринга кирсин-да қишдан аввал. Бир уюмининг ҳозирги манзили – Бахмал. Тағин Гулистон давлат университетида бир уюри, Сирдарё вилояти ўлкашунослик музейида бир туюри. Шу ишлар тезлаб кетса, гулдек музей битса, жонимиз нисор! Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ҳайкали, ижодининг пайкали, китоблари, буюмлари, анорлари, узумлари, чопонлари, достонлари бир манзилда жам бўлса, хотиримиз жам бўлса... Ана ундан кейин мақтовига мен бир ён, Тўра Сулаймон бир ён.

Шунга энди ким бўлар бош-қош, маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Арзномани мен битдим охир,
Йиғлай-йиғлай, тугатдим охир...

Шаҳриёр ШАВКАТ

ГУРУР



ЗАМАХШАРИЙНИНГ “ЁРДАМИ”

АБДУРАШИДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Мисрда ўқиб юрган кезларим эди. Бир куни учоққа чипта олиш учун боши-охири кўринмайдиган узун навбатга турдим. Кўп кутдим. Саф имиллайди; вақтим ниҳоятда зиқ. Чиптадан ҳам муҳимроқ ишим – бир сабоқдошимга ваъда-қарзим бор. Боришим шарт. Қолаверса, чиптахона даричасининг тагига етиб-етмай қуруқ ортга қайтиш ҳам кишига алам қилади.

Маҳаллий халқ тилини яхши биламан. Олдимда турган ўн-ўн беш чоғли кишига ҳолимни тушунтириб, илтимос қилдим, биров “Кимсан?” демайди. Тўнғиллайди, холос. Шу пайт бир тадбир хаёлимга келди. Мусофир эканимни айта туриб: “Ҳой азизлар, мен Замахшарийнинг юртидан келганман, талабаман, ёрдам беринглар”, дедим. Саф бирдан сергак тортди. Бир-бирига маъноли қараган одамлар ўзаро пичирлаша бошлаган ҳам эдики, чиптахона даричасидан: “Ҳой йигит, Замахшарийнинг юртдоши, бери кел”, деган овоз эшитилди. Югуриб олдинга ўтдим. Чиптачи: “Ё Аллоҳ! Ё Аллоҳ! Кеча кечқурун алломанинг “Мақомот”ини бир варақлаган эдим-а. Бугун сени кўриб турибман!” деди хуш табассум ва таажжуб билан. Дарров чипта ҳақини тўлаб, раҳмат айтдим-да, ваъдага шошилдим.

Соҳиба КАРИМОВА

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҲАЁТ ШАМЧИРОҒИ



– Бор экан-да йўқ экан, йўқ экан-да бор экан, – бувим ҳар сафар шундай деб кўзларига ёш олар ва анча муддат унсиз йиғларди. Биз эса жимгина бошқа хона ёки ҳовлига чиқардик. Онам бувинг йиғлаганда сабабини сўрама, деган. Барибир бир куни бувимни саволга тутдим:

– Сиз эртак бошлаяпсиз, деб ўйлардим, лекин қарасам, йиғлаётган бўласиз. Нимага ҳар сафар эртакни бошламасдан йиғлайсиз?

– Йўқдан бор бўлиб, бордан йўқ бўламиз. Куннинг чиқиши билан ботишининг ўзи эртак, болам... Бир тутам куннинг ўзида не-не синоатлар бўлади – кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар...

Йилларки, шу суҳбат қулоқларим остида такрорланаверади. Қарияларнинг овози эса бувимни эслатаверади. Ҳазин куз шабадаси – сўнгги йўлнинг кузатув марсиясини чалаётганга ўхшайди. Қулоқларимга олов тафти оқиб кириб, вужудимни аланга олдиради.

Бунда – Кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида гувоҳ бўлганим – улар ўзларини бахтли кўрсатиб, дийдираган юракларига тафт бермоқ учун шам ушлаган бедорларга ўхшайди.

Раҳбар аёл суҳбатини шундай бошлади:

– Саккиз йил аввал шу ерда иш бошладим. Ҳали элликка чиққаним йўғ-у, юздан ошиб кетганга ўхшайман. Қаришдан қўрқаман, дейман гоҳида. Хаёлимда ҳамма билан курашаман. Дунёда ечиб бўлмайдиган жумбоқлар борлигини биламиз-у, вақтни бенаф сарфлаб нималаргадир уринаверамиз. Ҳаётнинг тугамайдиган, охирига етиб бўлмайдиган жумбоқлари ўйлантириб қўяди: кимгадир қайтар дунё, кимгадир синов, кимгадир англаб бўлмас ўйлов! Қат-қат саволлар гирдоби инсон ўзини ислоҳ қилишига ундайди.

Турли тақдир, турли табиат эгалари. Муносабатларнинг чигаллашган нуқтасини топмоқчи бўлган адашади. Аввалу охир ечиб бўлмас тугун! Донишмандларнинг бири “бегона уй – қоронғи ўрмон”, дейди. Халқимизда яна бир гап бор: “Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади”. Шу нуқтаи назардан қараганда, хулосага шошиш – яна бир ножоиз қадам. Бу даргоҳга яқинларини олиб келган кишилар, айниқса, таниқлилар сал ўнғайсизланиб, кимдир таниб қолишидан чўчиб туришади. Шунинг учунми жуда кам, ойда бир марта пул тўлашгагина келишади. Ёки бирор танишини юборишади. Альцгеймер – хотира йўқотишга чалинганлар бор. Лекин ана ўшалар ҳам оиласини кўп эслашади, уларни кўргиси келади. Яқинлари эса ишларидан, рўзғор ташвишларидан “ортишолмайди”.

Ёшлигимда олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деса тушунмасдим. Энди англаб етдимки, соҳасида энг катта ютуққа эришган бўлса-да, одамийлик чегараси қаерда бошланиб, қаерда тугашини ажратолмайдиганлар афсуски, жуда кўп учраб туради.

Биринчи тақдир. Бир санъаткорнинг умр йўлдоши хотирасини йўқотган. Уйида ёнғин чиқишига сабабчи бўлган, кейин шу ерга олиб келишган. Аёли ҳар ҳафта келади, йиғлайди. Фарзандлари эса ойлаб келмайди. Тузалиб қолса, албатта, олиб кетаман, дейди. Бизлар – бу даргоҳда ишлайдиганлар ҳар бир оилани тушунишга ҳаракат қиламиз. Аммо имконияти жуда катта бўлиб ота-оналаридан хабар олмайдиганларнинг кўплиги оғриқли...

Иккинчи тақдир. Энг ёмони, эл олдида – минбарларда меҳр-оқибат, тарбия ҳақида гапириб, ўзининг қилган иши элни ғазаблантирадиганлар. Телевизорда кўрсанг, гапини ҳавас билан эшитадиган аёл қайнонасини олиб келган. Албатта, эри билан бирга. Бировга озори тегмайдиган онахон нима учун уйига сиғмай қолдийкин? Гоҳ-гоҳ ўғил хабар олишга келса, келин одамлар таниб қолишидан хижолат тортади чоғи кўзойнак тақиб, эшик ортида туради.

– Ҳамма ишда бўлади. Уйда ёлғиз қолганимдан кўра шу ер ҳам афзал, – дейди она фарзандларини оқлаб. Аммо овозидаги титроқ кўп нарсани гапириб қўяди.

Учинчи тақдир. Умрини бутунлай ишига бахш этган, адолат, ҳақиқат ҳақидаги фильмларнинг режиссёри оила қурмаган ва бугун у ҳам шу ердан қўним топган.

– Дунёнинг мен бормаган давлатлари кам, – фахр билан сўз бошлаган отахон бирдан жимиб қолади. – Ёшлик, умр жуда-жуда тез ўтаркан. Ҳамиша оила қуришни пайсалга солдим. Ҳайё-ҳуйт, деб ўтди даврон. Оиланинг ўрнини ҳеч қандай бойлик, амал, мартаба босолмас экан. Қарилик тузалмас дардлигини жуда кеч англадим. Сўнгги манзилга яқинларинг кузатиши, фарзандларинг қўлидан бир сиқим тупроқ тушиши ҳам катта бахт экан. Буни менинг ёшимдагилар, менинг ҳолатимдагилар яхши билишади.

Тўртинчи тақдир. Қайтар дунё деган ҳикмат қатларида минг йиллик ҳақиқатни жамлагандек бўлаверади. Бир раққоса – онасининг ёлғизгина фарзанди эди. Хизмат сафарларидан ортолмаган қиз онаизорини шу ерга олиб келишга қарор қилган. У ҳам биргина қизини энага ёллаб катта қилган, оёққа қўйган. Кутилмаганда йигирмага ҳам тўлмаган қизгина онкологик касаллик билан оғрийди. Она уйини сотиб, даволатиш учун хорижга олиб кетади. Афсуски, жарроҳлик амалиёти кутилган натижани бермайди. Уйидан, фарзандидан айрилган ўша аёл ҳам шу ерда – тасодифни қарангки, айнан онаси йиллаб яшаган хонага жойлашади. Бу ерда волидаси билан кечган сўнгги суҳбатларни тез-тез хотирлаб, юм-юм ёш тўкади. Бу ҳикояларни эшитган одамнинг юрак-бағри тилка-пора бўлади.

Бешинчи тақдир. Саксон ёшни қоралаган отахон уйидан хабар кутарди. Фарзандлари ҳам қўнғироғига жавоб беришмасди. Бир куни тонгда жуда хурсанд кўринди. Ўғли билан гаплашганини, икки-уч кунда олиб кетаман, деганини айтди. Бир ҳафта ўтди, отахон овқатланишга ҳам чиқмай қўйди. Нарсаларини йиғиштириб олиб, кўчага термилиб ўтирарди. Аввал ўғлига телефон қилдим.

– Ишим кўп, вақтим йўқ, бола чақани боқиш керак, – деди. – Кейин ҳар ой отамнинг тўрт миллионини ҳам тўлаш менинг елкамда. Тўлов куни учиб келади. Олиб кетолмайман.

Қулоқларимга қўрғошин қуюлгандек бўлди. Хориждаги қизига телефон қилдим.

– Узоқда бўлсам, қандай бораман? Ана, ўғиллари қарасин, уларга ўткизиб қўйган-ку! Мени номеримни қаердан олдиларинг?

У билан гаплашиш энди бефойда эди. Уйингизга борамиз, деб отахонни уловимга ўткиздим. Шаҳар айлантирдим, ошхонага обориб, кўнгли тусаган овқатлардан олиб бердим. Худди кинолардагидек. Кайфияти тамомила ўзгарди. Хонага қайтганда кўзларидаги қувончдан юрагим ёришиб кетди. Менга қараб:

– Кеч бўлиб қолди, тезроқ болаларингизнинг олдига боринг, – дея қайта-қайта такрорлади. Ғалати бўлиб кетдим, чунки бу ердаги аксарият ота-оналар хонам эшигини тақиллатиб, болаларингизни олдига шошинг, тезроқ боринг, дейишарди. Хайрлашиб йўлга чиқдим. Хурсанд эдим-у, юрагим ёришмасди... Эрталаб келсам, отахон ҳозиргина жон берганини айтишди. Ўзимни кечиролмай қолдим. “Нимага уйимга олиб кетмадим? Нимага? Қайнотам ҳам, болаларимнинг отаси ҳам тушунарди-ку...” Кўз ёшим сел бўлиб оқарди.

Ўғлига телефон қилсам, “вақтим бўлганда ўтарман”, деди мени эшитмай. “Энди кеч”, дедим. “Уйга олиб келолмайман ахир, шароитим йўқ”, деди пинагини ҳам бузмай. “Ҳеч нарса керакмас. Фақат кузатишга келсангиз бўлди”, дедим. Қариялар ота-онаси ёки фарзанди ёнига – мозорига қўйишни васият қилишади. Отахонга берган ваъдамизни ҳам бажардик. Ўғил ҳатто қизиқиб сўрамади ҳам.

Маросим тугади. Ўғил эртасига саҳар етиб келиб ўлим гувоҳномаси ва ярим йил олдин олиб келган “Тефаль” чойнагини сўради. Ғалати бўлиб кетдим. Аксига олиб хонада ўша чойнак йўқ эди. Қўшни хоналардан сўраб топдик, авайлаб сумкасига солди. Ўғил деган номга доғ эмас, илдизни куйдирадиган ўт туширди... Шундан ҳам баттар эди қилаётганлари...

Олтинчи тақдир. Рисолат ая эллик ёшгача оила қурмаган. Кейин уч ўғилли бева қолган эркак билан ҳаётини боғлаган. Ўн тўққиз йил шу хонадоннинг хизматини қилган, ётиб қолган эрини ёш боладек авайлаб қараган. Ўғиллари эса “ишдан ортолмаган”. Чолининг вафотидан сўнг ўғиллар ҳовлидаги эски уйларни бузиб, қасрдек иморат тиклайди ва онага шундай ҳашаматли қасрдан жой топилмайди. Сарсон бўлган онахон шу ердан қўним топади. Биласиз, бу ерда фарзанди йўқлар ижтимоий ҳимояланган, уларга тўловлар йўқ. Ўғил-қизлари бор ота-оналарнинг фарзандлари эса тўлов қилишлари керак. Энг ачинарлиси, бу онахонга маҳалла фарзанди йўқ деган маълумотнома бермади. Шунча йил шу оиланинг хизматини қилди, отасига қаради. Ўғилларнинг имконияти яхши, тўловини қилсин, дейишди қатъий. Кунлар ўтиб онахоннинг тўлови 40 миллиондан ошиб кетди. Дуогўй, тилидан бол томади, қандай қилиб айтамиз? Яхшиям, ҳимматли, саховатли инсонлар бор. Шулардан бири – Сардор. Бу ерга тез-тез келиб туради, қўлидан келганча эҳтиёжмандларга ёрдам беради. Икки-уч маротаба суҳбатимиз шу аёл ҳақида бўлди. Ҳожатбарор йигит ҳамма тўловларини ёпди ва:

– Опа, жуда дуогўй дединг, бир дуоларини олиб чиқайлик бўлмаса, – деди.

Уни аянинг хонасига бошладим. Кирди-ю, аяга қайта-қайта ер остидан қараб қўйди. Кўзи ёшландими, дераза тарафга қараб жимиб қолди. Кейин ая билан бироз суҳбатлашди ва кўзлари ёришиб хонадан чиқди. Йўлакда кетаётиб билдимки, Сардор йиғлаётган эди. Менга қараб, ўнғайсизланди.

– Рисолат ая болаликдаги қўшнимиз экан. Тақдирини қаранг. Оиласи оддийгина эди, рўзғори ҳам. Лекин жуда яхши инсонлар бўлган. Онам хасталаниб қолганди. Иссиқ овқат тансиқ эди. Ая ҳар куни онамни йўқларди, биладик ўзининг насибасини онамга илинарди. Имкони ҳаминқадар одам ҳар куни бир коса овқатни совиб қолмасин деб сочиққа ўраб олиб чиқарди. Яна, гўшти камроқ эди, орттирганим шу бўлди, деб хижолат бўлиши бизни ажаблантирарди. Ўшанда ҳам мулойим, дуогўй эди. Катта бўлсам энг яхши кўрган нарсаларини олиб бераман, дердим онамга. Аччиқ синовлар ортда қолиб, оёққа турганимда Рисолат аяни жуда кўп эсладим. Бошқа-бошқа жойларга кўчиб кетгандик. Излаб-излаб эсимдан чиқарганимда қаршимдан чиққанининг ўзи ҳам бир ҳикмат. Энди қўлимдан келганча тўловларини қилиб, хабар олиб тураман, фақат аяга бу ҳақда айтманглар.

Суҳбатимиз тугаб, хайрлашдик. Ўйланиб қолдим, дунё тарозусининг посангиси ҳамиша таъмирталабми? Меҳр бериб азобга, меҳнат қилиб туҳматга тортилганлар қисматими, дейман. Атрофга қарайман, қўни-қўшни, таниш-билишлар ҳаёти бир-бир кўз ўнгимдан ўтади.

Биринчи тақдир. Равшан кичкина тадбиркор эди. Отаси етмишга етганида хотирасини йўқотди. Онаси, хотини қарияга яхши қаров қилди. Лекин эркакнинг назорати зарур бўлди. Равшан ягона боқувчи, ишлаши керак. Отаси учун ўрта ёш бир кишини ёллади. Саҳардан шомгача, ўғил ишдан келгунча қарайди. Ўғил эрталабгача отасининг ёнида бўлади. Шу тахлит ўн йиллар ўтди. Йигитнинг бизнеси ривожланиб, оёққа турди. Ота ҳушига келганда узоқдан-узоқ дуо қиларди: “Камлик кўрмагин, болам!”

– Униб-ўсганларнинг йўлини берсин, ишларинг барокатли, хайрли бўлсин! – онасининг қўллари ҳамиша дуода эди.

Дуонинг ижобати олдида яшин тезлиги ҳам ҳеч нарса экан. Ўйлаганидан ҳам баракали бўлди топгани. Саховатли инсонлар қаторида элга эҳсон қиладиганлар қаторида бўлди. Фарзандлари ҳам униб-ўсди. Ками бўлмади бирортасининг.

Иккинчи тақдир. Эр-хотин ўша куни бир енгил тортишди. Уч ўғил, бир қизини жойжойига қўйди.

– Энди ўзимиз учун яшайдиган кунлар келди, онаси, – деди эр. – Мана, ҳаммалари уй-жойли, бола-чақали.

Бу суҳбатга икки кун ҳам ўтмай, аёл йўлда кетаётиб фалокатга учради, воқеа жойида ҳаёт билан видолашди. Энди элликни тўлдирган эр хасталаниб қолди. Фарзандлари навбатма-навбат отанинг ёнида бўлишди. Уч йил ўтиб, отани оила кўрмаган аёлга уйлантиришди. Фарзандлар ўз ўрнини билди. Ўн беш йил ўтди. Ота оғирлашиб қолди. Ўғилларини ёнига чақириб:

– Мендан кейин Мастурага шу ҳовлидан бир хона топилса, қолсин, бўлмаса, кўзим очиқлигида жавобини берай, – дея кўзларини бурчакка қадаб жим қолди. Жимликни катта ўғил бузди:

– Қайси биримизникида туришни хоҳласа, жой бор!

Ота дунёдан хотиржам кўз юмди. Ўғиллар Мастура опанинг ҳурматини жойига қўйди, умрага олиб борди, дуоларини олди. Бошлаган ишлари хайрли, баракатли бўлди, эртаклардагидек мурод-мақсадларига етди.

Учинчи тақдир. Бу аёл таниқли журналист эди. Тиниб-тинчимас, этик кийиб дала кезадиган, қурилишга, шахтага кириб борадиган – хулласки, “Синчалак” қаҳрамонининг ўзгинаси эди. Ўттизидан ўтиб оила қурган бўлса-да, кўзлаган ишларини қилишга улгурди, ўғил-қизлари ҳам юртнинг юзи бўлди. Олтмиш беш ёши арафасида юролмай қолди. Тиббиёт ривожланган хорижий давлатларда ҳам даволатишди. Озгина фойда берди холос. Келин вазифасини билган, оқила, яхши тарбия кўрган. Ишидан, касби-коридан барака топган. Лекин қайнонанинг хизмати ҳамма ишдан аввал, деган темир қоидага амал қилиш керак. Келин бу ишни ҳам чиройли жойига қўйди, қариндошларидан бирини қаровга ёллади, маош тайинлади. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Ҳамма хурсанд, ишидан ортиши билан хабар олиб туришади. Дуонинг ҳикмати – оилага барака кирди, топганлари ўйлаганидан ҳам зиёда бўлди. Йилларки, тонгда дуога қўл очиб, фарзандларини оламнинг энг ҳузурбахш сўзлари билан ишга кузатади.

Тўртинчи тақдир. Бу аёл етмишнинг остонасида. Олти фарзанднинг онаси. Ўзининг таъбири билан айтганда, қариликнинг эрта ёққан қировлари мунғайтириб қўйди. Фарзандлар ўз куни – ўз рўзғорининг эгаси, ўзидан ортиб, ҳафта – ўн кунда хабар олади.

– Боладек бўлиб қоларкан одам ёш қайтган сайин, – дейди онахон. – Кўнгил ҳам салга эриб оқади. Болаларнинг қий-чуви оғирлик қилади, катталар ишда. Ҳамманинг елкасида юки бор, елкаламаса ярим йўлда қолади. Тушунишга ҳаракат қиламан. Лекин фақат тенгқури билан гапи гапига тўғри келаркан-да одамнинг. Гоҳида биздай қарияларга “Қариялар уйи” тинчми, деган ўйларга ҳам бораману қўрқиб кетаман. Ношукур бўлмай, болаларимни иснодга қўймай... Қанча умрим қолди ўзи...

Бешинчи тақдир.

– Оиламизда ўн фарзанднинг бештаси ўғил эди. Гоҳида онамга, ҳамма ўғилларингизнинг уйида туринг, шароитлари яхши, дердим синамоққа.

– Ўтирган уйим яхши, “режимим” бузилади, – кулиб қўяди. – Дори-дармоним, таҳоратим дегандай...

Аслида ҳаётим шамчироғини жигарларимнинг уйларидан ҳам қизғанаман. Шукур, хўжайиним бағрикенг инсон. Онамни ўз онасидек кўради. Акаларим ҳам оқибатли. Асаларидек тўхтовсиз ҳовлимизга ғиз-ғиз қатнашади. Катта оиламизда барака, файз тимсоли бўлиб онажоним қўр тўкиб ўтирадилар.

Тақдирлар, тақдирлар... Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукур қиладиган ҳаёт синовлари... Тақдири азалнинг битикларими бу? Дунёни ўзгартириш мумкин бўлган замонда, одамни ўзгартириш, кўнгилга йўл топиш оламнинг тарозиси бузилган посангига тош топиш билан баробарми? Бу муҳокама эмас, асло! Хулосага заррадек томизғидир, балки...

Ер шарининг этагидан чиқадиган қуёшдан ҳамма баробар ёруғлик, ҳарорат кутади. Аммо хаста қалбга тола нур татимайди. Нурсиз гўша бўш беланчакдек тебранади... Ўтмиш, биз билган ва билмаган хатоларимизнинг жавоби ё жазоси, дейишга ўйлантирадиган манзаралар...

Бахт нима ўзи? Менимча, кексайган чоғингда фарзандларинг хизматингда қойим турса, сени қўйгани жой тополмаса, еру кўкка ишонмаса... Ана шу тугал бахт эмасми?!

Дилфуза ШОМАЛИКОВА,
журналист

МУЛОҲАЗА



РИЗҚ ЭШИГИНИНГ КАЛИТИ

Кўпни кўрган, маърифатли инсонларнинг фикрича, барча неъматлар калити, энг аввало, шукроналикдадир. Шукурда нечоғлик катта, мўъжизавий куч борлигини инсон ҳамиша ҳам ҳис қилавермайди. Дарҳақиқат, бизга берилган ва берилаётган барча неъматларга шукур қилиб яшашга одатлансак, ҳаётимиз фаровон ва сермазмун кечади. Шукроналик бу – соғ-саломат, ўз уйингизда, оилангиз бағрида, тинч ва осуда маконда Яратганнинг берганига қаноат қилиб яшаш демак.

Мустамлака даврида миллатимизнинг нақадар эзилганини, эркидан, ҳақ-ҳуқуқидан жудо бўлиб, ночорликда кун кечирганини кўпчилик яхши билади. Ажабки, ўша кезларда ҳам халқимизнинг дилида шукроналик туйғуси устувор бўлган. Балки уни замонлар силсиласидан эсон-омон олиб ўтган қудратли куч ҳам шудир?

Бугун истиқлол туфайли ҳамма нарсамиз бор, хоҳласак ўқиб, хоҳласак ишлаб, хоҳласак чет элларда малака ошириб қайтишимиз мумкин. Баъзан мен дилимнинг туб-тубида номсиз оғриқлар сезаман. Бу изтироблар замоннинг жадаллашувиданми, фарзандларимизнинг, ҳатто ўзимизнинг ҳам интернет ва виртуал оламга қул бўлиб бораётганимизданмикан? Бу оқимни ким тўхтата олади? Хўш, биз фарзандларимизга намуна бўла оламизми? Уларга шукроналикни ўргата оламизми? Шундай пайтлар бўладики, тинч ва осуда ҳаётга шукрона келтирмай, ҳаётидан нолиб яшаётган айрим тоифадаги оломонга қўшилиб оқиб бораётганимдан оғринаман.

Бугун дунёнинг аллақайси бурчида давом этаётган урушларни, айрим халқларнинг оч-ночор аҳволда юришларини, қайсидир минтақаларда табиий офатлар авж олаётганини кўриб, юртимиздаги фаровонлик борасида мушоҳада қилишимиз жоиз эмасмикан?!

Хўш, нега биз шунча имкониятларга қарамасдан яна нолишимиз керак? Қаранг, Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга чирой очмоқда. Қад ростлаётган замонавий бинолар, обод этилаётган обидалар диёримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Бир пайтлари ўтган алломаларнинг мангу қўнимгоҳлари қаерда жойлашганини ҳам билмасдик. Бугунги кунга келиб, ҳар бир алломанинг яшаб ўтган манзиллари ва дафн қилинган жойи зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Келажак авлодга ибрат бўлиши учун уларнинг қолдирган мероси чуқур ўрганилмоқда, уй-музейлари ташкил қилиниб, саёҳатлар уюштирилмоқда. Буларнинг барчаси ўсиб келаётган авлодга бобокалонларимизнинг нақадар буюклигини англатиш билан бир қаторда, уларнинг муносиб давомчиси бўлишлари лозимлигини уқтириш учун қилинаётир. Аждодларининг маънавий меросини чуқур ўрганиш навқирон авлоднинг келажакда комил инсон бўлиб етишмоғида дастуриламал бўлиб хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

Айрим кишилар билан суҳбатда уларнинг ношукурлик қилиб, “пулим йўқ”, “машинамиз йўқ”, “ойлигим кам” қабилида нолиётганликларига гувоҳ бўламиз. Тўрт мучаси соғ одам-ку у! Машинаси йўқлиги ёки маоши камлигидан нолиши ўринлими?

Ҳаётни кўп кузатаман. Инсонларни ҳам. Шундай оилалар борки, жуда бадавлат, аммо бахти йўқ! Чунки рўзғорида ҳаловат, топганида барака кам. Шундай оилалар борки, бироз камхаржроқ ҳаёт кечирсада, уларнинг хонадонида ҳамиша кулги жаранглаб, шодлик уфуриб туради. Чунки уларнинг дилларида шукрона бор!

Дилобар ЖЎРАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Олот тумани бўлинмаси бош мутахассиси

2024-yil 15-noyabr
№ 47(47)

ЎТМИШДАН САБОҚЛАР

ҚАМАШИНИ ҚУРШАГАН ОЛОВ



Собиқ советлар тузуми қатағон қилган минглаб кишиларнинг аянчли тақдири бизга яхши маълум. Бу қаттол сиёсатнинг кўриниши республикамизнинг чекка қишлоқларида ҳам содир бўлди. Жумладан, ўтган асрнинг 30–50-йилларида Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида ҳам ноҳақ айбланиб, жазоланган, отувга ҳукм қилинган, юртидан қувилган миллатдошларимиз кўп бўлган. Қатағон машинаси ўзига садоқат билан хизмат қилган кишиларни ҳам аяб ўтирмади. Бу содда юртдошларимизнинг кўпи советнинг ёлғон сиёсатига учиб, унинг "бахтли келажак" ҳақидаги чўпчаклари тарғиботи қурбони ўлароқ гул умрини хазон қилгани жуда ачинарлидир.

НОДИР КОМАНДИРНИНГ "ДУМ"И

Қоратепалик Нодир Пардаев эл-улус орасида "Нодир командир" деб ном олган эди. Ҳатто академик шоир Ғафур Ғулом унинг "жасорати ва ибратли ишлари" ҳақида "Нодир командир" номли очерк ҳам ёзган. Шунингдек, Санчиқул қишлоғида яшаб, Қоратепа қишлоқ шўросига раислик қилган Маҳматқобил Авазов ҳам қатағоннинг бегуноҳ қурбонига айланган. Маҳматқобил бобонинг аянчли қисмати икки қоракўз қизларини ота дийдорига зор қилди, аёлининг мунгли кўзларини эса ёр келар йўлларга интизор этди.

Айниқса, Санчиқул қишлоғидан ака-ука Абдусалом, Абдусаттор ва Абдуваҳоб Суюновларнинг тақдири ўта даҳшатли. Уларнинг тўққиз кишидан иборат оиласи шимолий Қозоғистон даштларига бадарға қилинган. Фақат узоқ йиллардан сўнг бир оиладан биргина Жовли Суюнов қадрдон қишлоғига қайтиб келади. Жовли бобо Ўзбекистон халқ бахшиси, чироқчилик Шомурод бахши Тоғаевнинг оиласи билан сургунда бирга бўлган ва улар ўша оғир йилларда ака-ука тутинган.

– Онамнинг акасини Чоршанби чавандоз дейишаркан. Катта тўйлардаги кўпкарилар Чоршанби чавандозсиз ўтмас экан. Совет ҳукумати тоғамни мол-мулки ҳисобланган тўрт-беш бош қўй-эчкиси, сигири ва оти борлиги учун қулоқ қилиб, олис Сибирга ҳайдаган. У кишига юртга қайтиш насиб қилмаган, – дейди меҳнат фахрийси Бердиқобил Худойқулов.

Бу жабрдийдаларнинг ҳаммасига "Нодир командирнинг думи" деган сохта айб қўйилган.

Инсоний ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлганлардан яна бири Чим қишлоғилик Ҳазратқул Ҳакимов тўғрисида ўғли Максим Ҳакимов шундай ҳикоя қилади:

– Отам 1889 йилда туғилган. Бобомиз Ҳаким ота Юсупов хат-саводли бўлгани боис ўғилларини ҳам ўқитган. Отам дастлабки сабоқни уйда олган. Сўнгра Қарши ва Бухоро мадрасаларида таҳсилни давом эттирган. Кейинроқ Чироқчи туманида ревком ва судья бўлиб ишлаган. Отамни 1937 йил 10 декабрда "Қулоқнинг боласи, инқилоб душмани" деган айб билан қамоққа олишиб, Китоб туманидаги қамоқхонага ташлашди. Кейинчалик сохта айбловлар билан Сибирга сургун қилишди. Ўша пайтларда ёш бола эдим, улғайиб хат-саводли бўлгач, отам ҳақида кўп суриштиришлар, ёзма сўровлар қилдим. Ва ниҳоят жавоб хати ҳам келди:

"...Ўзбекистон ССР, Қашқадарё вилояти, Чим қишлоқ советида яшовчи Ҳакимов М.Ҳ га.

Сизнинг ёзган аризангизга асосан шуни ёзиб маълум қиламизки, Ҳакимов Ҳазратқул НКВД УГБ учлигининг 1937 йил 10 декабрдаги қарорига кўра аксилинқилобчилик ҳаракатига қўшилганлиги учун қамоққа олинган.

"30-40 ва 50-йилларнинг бошида репрессия қурбонлари бўлганлар билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганиш ва уларнинг номини тиклаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида"ги СССР ПВС фармонига асосан 1994 йилда масъул прокурор у билан боғлиқ жиноий иш ҳужжатларини кўриб чиқди ва оқланганини маълум қилади. КГБ бўлим бошлиғи. **С.Камолов***".*

– Турмуш қурганимга тўрт йил бўлган эди, – деб эслаган эди раҳматли Ойна момо Худойбердиева. – Тоғаларим Наби Санаев, Жаббор, Ҳазратқул, Овлоқул Ҳакимовларни "халқ душмани" деб бирин-кетин ҳибсга олишди. Тоғаларим билан бир қаторда Абдураҳмон Дўстов, Саломатхон эшон Ўзбеков, Тилов Жўраев ҳам қамалди. Ўша йиллари бехосдан ит ҳурса ҳам рангимиз ўчиб, қўрққанимиздан дир-дир қалтираб қолардик. Чунки орган ходимининг келишидан юрак олдирган эдик-да... Буям етмагандек қайнотам Тилло Исмоиловни ҳам қамоққа олишди. Хўжайиним Сайдулла Тиллаев туякашлик қилар эди. Жойи жаннатда бўлгурларнинг бариси қўй оғзидан чўп олмаган, беозор одамлар эди. Шулардан биргина Наби тоғам Санаев кўп йиллар ўтиб қайтиб келди.

БОШҚА ҲИКОЯ

Иккинчи жаҳон урушидаги жангларнинг бирида оддий аскар Жума Хушвақтов душман қўлига асир тушди. Немислар қўлида кўрмаганини кўриб, тутқунликнинг аччиқ азобини еган йигитни америкалик иттифоқдошлар асирлик зулмидан озод қилади. Албатта, ҳамма қатори Жума ҳам юртига қайтишни истайди. Аммо ўша йилларда асирда бўлганларга нисбатан "хоин" деган тамға босилиб, ҳеч қаерда ёзилмаган шафқатсиз ҳукм чиқарилар эди. Шу боисдан Жуманинг ҳам Ватанга қайтишга юраги дов бермаса-да, ота-она дийдори, ака-ука соғинчи устунлик қилди. Орзиқиб уйига қайтиб келаётган собиқ аскарни чегарадан ўтиши биланоқ ҳибсга олишади ва Узоқ Шарқдаги Владивосток шаҳрига олиб келишиб, 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этишади.

Жуманинг жони тошдан қаттиқ экан. Жазо муддатини ўтагандан сўнг унга Амур ва Хабаровск ўлкасидагина яшашга рухсат беришди. Аммо, ўз юртига келишга изн беришмади. Наилож, Жума мусофирликда уйланиб, икки ўғил кўрди.

Ниҳоят 1962 йилда унга Кўкбулоқдаги она қишлоғи Чуқурлига келишга рухсат беришди. Қариндош-уруғ уни катта хурсандчилик билан кутиб олди. Лекин Жуманинг кўзлари отаси мулла Хушвақтни ва онаизори Қамбар Юзбой қизи ва сингилларини қидираётган эди. Охири у артофидагилардан ота-онасини сўради.

– Ота-онам бу ёруғ оламдан ўтганми?

– Йўқ, – деди қишлоқ шўроси раиси Ниёзов, – Отанг тирик, онанг эса сендан "қора хат" келгач, айрилиқни кўтара олмади...

– Ражаббой! – дея йигитлардан бирини ёнига имлади раис. – Отни миниб, тўғри Чиликгазадаги буғдойзорга бор ва мулла Хушвақтни олиб кел. Аммо, эсингда бўлсин, зинҳор "Ўғлингиз келди", деган гапни қилма. Ўзимиз йўлини қилиб, ётиғи билан кўриштирамиз.

Аммо, Ражаббой дегани довдир йигит эди. Мулла Хушвақт бетоқат бўлавергач, сирни ошкор қилиб қўйди ва бу хушхабарни эшитган отанинг юраги ёрилиб кетиб, ўғлига етмай жон риштаси узилди. Хурсандчилик мотамга айланди. Жума отасини ўз қўли билан ерга қўйди, еттисини ўтказиб оиласи ёнига, Узоқ Шарққа жўнади.

Шундан кейин ҳам у хотини ва ўғиллари билан қишлоғига уч марта келди. Жума Хушвақтов охирги келишида анча мунғайиб қолган, ранги заҳил тортиб, сургун азоблари асорати билиниб турар эди. У кетар чоғида ота-онаси ётган қабристондан бир сиқим тупроқ олиб кетди ва бошқа қайтиб келмади. Жума Хушвақтов вафот этгач, унинг ўғиллари Владимир ва Александрни Узоқ Шарқдаги ҳудуднинг маҳаллий безорилари "хоиннинг ўғли" деб отиб ўлдиришган, бу мусибатни кўтара олмаган аёли ҳам бир йил ўтар-ўтмас оламдан кўз юмади.

НИКОҲ ЎҚИГАНИ УЧУН...

– Отам Мулла Иброҳим Шерназар ўғли Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган эди, – дея сўзлайди Исмоил ҳожи Иброҳимов. – Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, отам саводли бўлгани учун ҳукумат ишига жалб қилинган ва Чироқчи тумани молия идорасини бошқарган.

50-йиллар бошларида уйимизга тўппонча кўтарган кишилар келиб отамни олиб кетишди. Кейин билсак, отамнинг устидан чақув хати ёзилган экан. Хатда отамнинг қишлоқдоши бўлган Абил ва Холдон исмли икки ёшнинг тўйида шаръий никоҳ ўқигани баён қилинган. Чақув хатини эса бегоналар эмас, ўзимизнинг қишлоқдошларимиз ёзишган экан. Отам уч йил Қарши ва Ашхобод қамоқхонасида ётди. Мен ўшанда ўн бир-ўн икки ёшлардаги бола эдим. Онам билан икки марта уни кўргани борганимиз ёдимда. Ниҳоят, қаттол Сталин вафот этгач, отам қайтиб келди. Уйимизда араб ва форс тилида ёзилган китоблар кўп эди. Лекин отагинам менга эскича илмни ўргатмади. Бунга балки бошига тушган савдолар сабаб бўлгандир... Мактабни битириб, хўжаликда чўлиқ, сувчи бўлиб ишладим. Кейин шофёрликка ўқиб машина ҳайдадим. Янги тузилган бригадада табелчи бўлдим. Сўнгра кўп йиллар пахтачилик бригадасини бошқардим. Илғор бўлдим, орден-медаллар олдим. Лекин кўнглим таскин топмади...

АЛАМ ВА ХЎРЛИК

Болта Сарматов ҳам большовойларнинг ғояларига ишонган, советлар тузумининг фаоли бўлган. Жамоа хўжалигини тузиш, саводсизликни тугатиш каби ишларда ҳам жонбозлик кўрсатган. У Чироқчи тумани ички ишлар бўлими зобити лавозимида хизмат қилган. Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида иштирок этиб, ярадор бўлиб уйига қайтади. Соғлиғи тиклангач, яна фронтга чақирилади. Кёнисберг шаҳри учун бўлган шиддатли жангда оғир яраланади ва яна ортига қайтарилади.

– Ўтган асрнинг 50-йилида отамиз Болта Сарматовни қамашди, – дейди фахрий қурувчи Бекжон Болтаев. – Нима айби борлигини отам бизга айтмаган. Балки ҳақсўзлиги, кўзи очиқлиги бунга сабаб бўлгандир, деб ўйлайман. 1953 йилдаги афв туфайли бағримиз тўлди, аммо отам доим маҳзун кайфиятда яшади. Бунга ўзи кўр-кўрона жон бериб, жон олган тузумдан кўрган азоблари, хўрланишлари сабаб бўлгандир.

Отам қамоқдан келгач, барча орден-медалларини, мақтов ёрлиқларини ўчоққа тиқиб куйдириб, кўмиб ташлади. Ҳукумат берган барча имтиёзлардан воз кечиб, бозорда савдо-сотиқ билан машғул бўлди ва бутун эътиборини фарзандлар таълим-тарбиясига қаратди.

Ҳа, қатағон ўз номи билан қатағон. У бир олов бўлдики, қуруқни ҳам, ҳўлни ҳам ёқди. Қамашини ҳам қуршаган бу олов сор йигитлар умрини еди, уларнинг оиласи тақдирида ўрни битмас жароҳат қолдирди.

Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МУШТАРИЙДАН МАКТУБ

РУҲЛАР ШОД БЎЛСИН



Камина саксон ёш арафасида ҳам жадид боболаримиз ҳақидаги маълумотларни ўқишдан чарчамайман. Хусусан, "Jadid" ҳафталигидаги ҳар бир мақолани синчиклаб мутолаа қиламан. Уларда маърифатпарвар аждодларимиз яратган маънавий хазина ва унинг аҳамияти ҳақида бир-биридан гўзал материаллар берилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбарининг бундай эл фидойилари ҳаётини ўрганиш ва ундан ибрат олишга ундаш бўйича чорлови ижтимоий ҳаётда жуда катта воқеа бўлди, деб ўйлайман. Негаки, жадидлар қолдирган мероснинг қадр-қиммати, энг аввало, унинг бугунги кунда ҳам кўпчиликка ибрат бўла олишидадир.

Мен бобом Саидризо Ализода ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ материалларни, қўлёзмаларни ўрганиш жараёнида шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, жадидлар элнинг чинакам, ҳақиқий фарзандлари бўлишган. Улар миллат манфаати йўлида жонини ҳам фидо қилишга тайёр туришган. Дунёвий илмларни мукаммал эгаллаганликлари учун миллатни фақат илмгина тараққиётга олиб чиқишига қатъий ишонганлар. Бу йўлда меҳнат, вақт ва маблағларини аяшмаган, маърифат учун нимаики зарур бўлса, барчасини бажаришган. Лекин бирор ҳолда, бирор жойда меҳнат ва хизматларини миннат қилишмаган. Шунинг учун ҳам бобомнинг фаолияти билан боғлиқ ҳар бир янги ҳужжатни топганимда уни кўзларимга суртаман, бағримга босаман.

Миллат фидойилари учун халқнинг яхши-ёмони, маҳраму номаҳрами, таниш-у бегонаси бўлмайди. Улар очган мактабларда зиё истаган ҳар бир бола таълим олган. Улар чиқарган газеталарни бутун омма ўқиган. Негаки, улар халққа маърифат нима, илм нима, эркинлик нима эканлигини ўз ҳаётлари орқали ҳам исботлаб беришган.

Саидризо Ализода "Зарафшон" газетасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Ҳожи Мўйин билан бақамти ишлаш жараёнида "Шуълаи инқилоб" ҳафтаномасини ҳам чиқаради. Форс тилида чоп этилган бу журналнинг 98 та сони ўқувчиларга етиб борган. Бобом форс тилида сўзлашувчи аҳолига, шунингдек, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон ва Покистондаги маърифатпарварларга Туркистон озодлигининг моҳияти, илмнинг қадри, бирлашмоқнинг ҳикмати ҳақида жуда гўзал мақолалар ёзган ва бу мақолалар ҳозирги кунда ҳам маҳаллий ҳамда хорижлик тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Бу мақолалардаги ғоялар ўша даврдаги инқилобий курашнинг шиорига айланган. Хусусан, "Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидир" деган ибораси нақлга айланиб кетган.

Шукрки, бобомизнинг, умуман, жадидларнинг фаолиятига муносиб баҳо берилди, эндиликда уларнинг маънавий бойлиги ҳар томонлама ўрганилмоқда. Бу ҳақда илмий тадқиқотлар бошланиб кетди. Бобомизнинг ҳам 115, 130, 135 йилликлари давлатимиз раҳбарининг бевосита ёрдами билан муносиб нишонланди. Ушбу мерос моҳияти, уни ўрганиш юзасидан илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Ўтган йиллар давомида камина Эрон, Покистон ва Озарбайжондаги кутубхоналарда бўлиб, жадидлар фаолиятига, айниқса, бобомнинг ишларига оид жуда кўплаб ҳужжатлардан нусха олиб қайтдим. Шу учун ҳам бугунги кунда у кишининг табаррук номи билан аталувчи кўчада жойлашган уй-музейда экспонатларимиз сони беш мингдан ошди. Улар орасида Саидризо Ализоданинг нафақат ижодкорлар, журналистлар, балки сиёсат арбоблари билан ёзишмаларидан ҳам нусха олинган. Талабалар, ёшлар, кексалар бу ерга ташриф буюриб, экспонатларни томоша қилишади, ҳар гал уларга фидойи бобомнинг ибратли фазилатларидан гапириб бераман.

Жадидлар жуда мураккаб жараёнда фаолият кўрсатишган. Бир томонда халқнинг саводсизлиги, рус империяси сиёсатига қуллик кайфияти, иккинчи томондан атрофдаги кучли давлатларнинг манфаатли тарғиботлари, уларга ҳар бир ҳаракатда жасоратли, ҳушёр бўлишни тақозо этган. Энг оғир дамларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлашган. Чор Россияси, ундан кейин совет империяси уларни доимо бир-биридан узоқ, бехабар сақлашга уринган. Ҳар бир ҳаракатини кузатиб юрган. Шу туфайли кўпчилиги қатағон қурбонларига айланишган.

Саидризо Ализода турмага солингандан кейин ҳам унга айб қўя олишмаган. Аслида у хориж хавфсизлик ташкилотлари ўртасидаги курашнинг қурбони бўлган. Ҳатто у оқлангандан кейин ҳам Иккинчи жаҳон уруши давом этаётганлиги сабабли айнан КГБ тавсиясига кўра эркинликка чиқарилмаган ва Владимир шаҳрида вафот этган.

Камина машаққат бўлса-да, бобомнинг ана шу турмадаги фаолиятини ўргандим, у кишига тегишли бўлган жуда кўп қўлёзма ва ҳужжатларнинг, тергов сўровларининг нусхаларини олиб келишга муваффақ бўлдим. Қабрининг тупроғидан ҳам олиб келиб, бу хокни қўйиб, Самарқанддаги Панжон қабристонида ёдгорлик ўрнатдик.

Шу ўринда бобомнинг жўшқин ҳаётини муҳаббат билан ўрганган марҳум олимлар Нажмиддин Комилов, Бегали Қосимов, Сайди Умиров хизматлари олдида таъзимдаман ва бугунги кунда ҳам бу меросни диққат билан тадқиқ этаётган профессор Ҳалим Саидов, фаол олим Баҳром Ирзаевга миннатдорлик билдираман.

Жадидлар жуда катта мерос қолдиришди. Биз учун муҳими шундаки, ушбу мерос ҳозирги кунда жамиятимизга ниҳоятда керак бўлган ажойиб хислатларни тарғиб этади. Зеро, бу маърифатпарварлар ишларини давом эттириш, улардай фазилатларга эга бўлиш бугун ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламан.

Фарҳод АЛИЗОДА,
Саидризо Ализода уй-музейи раҳбари



"Таълим – дунёни ўзгартирувчи энг кучли қуролдир.

Нельсон МАНДЕЛА

ЮРТ ҚАЙҒУСИ



ИОСИФ СТАЛИН ва ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

ЎРТАСИДАГИ АЁВСИЗ БАҲС




Маълумки, Қатағон қурбонлари хотираси музейи Андижон вилояти бўлими раҳбари, Андижон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсутдинов ташаббуси билан “Водийнома” ижтимоий-тарихий, илмий-оммабоп журнали ташкил этилиб, бугунга қадар ушбу нашрнинг 36 та сони ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

2016-йилдан бошлаб чиқаётган журналнинг ҳар бир сонида Ватанимизнинг шонли ва қонли ўтмиши, юрт озодлиги ва истиқлоли учун жон фидо қилган аждодларимизнинг ҳаёти ва фожиали тақдири ҳақида энг сўнгги маълумотлар, тарихий факт ва далиллар асосида туркум мақолалар чоп этиб келинмоқда.

Жумладан, унинг 2024 йилги 3-сонида Р.Шамсутдинов, М.Худоёров, Н.Акбарова қаламига мансуб “Туркистон, Хоразм ва Бухоро тарихига оид муҳим манба” номли мақолада Россия Коммунистик партияси Марказий комитетининг IV махфий йиғилишининг еттинчи мажлиси стенографик ҳисоботи ҳақидаги материал эълон қилинган.

1923 йил 12 июнь куни ярим тунга қадар давом этган ушбу йиғилишда Г.Зиновьев, Акмал Икромов, Бройдо, Любимов, Файзулла Хўжаев ва бошқа масъул раҳбарлар маъруза қилишади. Кўп сирли ва мудҳиш воқеаларга гувоҳ



бўлган Кремлнинг хоналаридан бирида бўлиб ўтган қизғин баҳс ва мунозараларда гарчи ҳамма бир-бирига “ўртоқ” дея мурожаат қилса-да, мажлисда ўзаро ишончсизлик, душманлик кайфияти ҳукм сурарди. Буни стенограмма материаллари орқали ҳам англаш қийин эмас.

Акмал Икромов ўзининг зиддиятли нутқида Бухоро Халқ Республикаси номидан сўзлаган ҳамюрти Файзулла Хўжаевнинг фикрларини маъқуллаб, ўлкамиздаги маҳаллий аҳоли ўртасида янги ҳокимиятдан норозиликларни камайтириш учун Қизил армия милтиқларидан фойдаланиш самара бермаслигини, таълимга, ижтимоий шароитни яхшилашга, адолатни қарор топтиришга эътибор қаратиш лозимлигини нозиклик билан таъкидлайди. Бу билан у советларнинг Туркистонда ўтказаётган шовинистик ва қонли сиёсатига ишора қилаётган эди.

Мажлисда Иосиф Сталин ва Файзулла Хўжаев ўртасида аёвсиз баҳс бўлиб ўтади. Халқимизнинг жасур ва мард ўғлони, моҳир ва ҳақгўй давлат арбоби Файзулла Хўжаев ўз юрти ва миллати манфаатларини қатъият ва жасорат билан ҳимоя қилади. Эҳтимол, қонхўр Сталиннинг юрагида айнан шу куни Файзулла Хўжаевга нисбатан ниҳоятда кучли адоват пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Бундай душманлик орадан ўн тўрт йил ўтиб, энди “халқлар отаси” ва буюк доҳийга айланган Сталиннинг буйруғи билан Ўзбекистон ҳукуматининг биринчи раиси қатл қилиш билан тугагани маълум.

Қуйида мазкур стенограммадан айрим парчаларни эълон қилар эканмиз, муҳтарам Рустамбек Шамсутдинов домла ва у кишининг шогирдларига ташаккур изҳор этамиз.

ЕТТИНЧИ МАЖЛИС


(1923 йил 12 июнь, кечқурун)

И.СТАЛИН: Туркистондаги вазият, у ердаги ҳозирги аҳвол жуда ёмон, жуда хавотирли. Айни чоғда, Туркистон Шарқ билан қаттиқ боғланган миллатларнинг комбинациясидан иборатлиги учунгина эмас, ўзининг географик жойлашувига кўра энг кўп эксплуатация қилинаётган ва империализмга қарши курашиш учун энг кўп порох жамғарган, Шарқнинг қоқ юрагида ўрнашгани учун ҳамда Шарқни инқилобийлаштириш нуқтаи назаридан совет республикалари орасида муҳим республикадир. Мана шунинг учун Туркистон совет ҳокимиятининг энг заиф нуқтаси, нозик томони ҳисобланади. Вазифа Туркистонни намунали республикага, Шарқни инқилобийлаштиришнинг илғор постига айлантиришдан иборат. Бу вазифани куч-ғайратни аямай, қурбонларга қарамасдан, ҳар қандай шароитда амалга оширишимиз зарур.

Совет ҳокимиятининг иккинчи заиф нуқтаси, деб Украинани билиш керак. Бу ерда маданият, саводхонлик маъносида ишларнинг аҳволи Туркистондаги каби ёки деярли шу даражада. Давлат аппарати Туркистондаги каби халқ тили ва турмушидан узоқ. Айни чоғда Туркистон Шарқ халқлари учун қанчалик аҳамиятга эга бўлса, Украина ҳам Ғарб мамлакатлари учун шунчалик ёки қарийб шундай аҳамиятга эга...

Хоразм ва Бухоро ҳақидаги маърузаларга ўтаман. Хоразм вакили мажлисда йўқлиги боис, Хоразм ҳақида гапирмайман: чунки Хоразмда, очиғи, партиянинг ўзи йўқ. Партия ҳақида тозаловдан кейин гапириш мумкин бўлади. У ерда бир неча минг партия аъзоси ҳисобда туради, дейишади. Ўйлайманки, партиявий тозаловдан сўнг Хоразмда юздан ҳам кам партия аъзоси қолади. Бухорода ҳам ўтган йили аҳвол худди шундай эди, у ерда 16 минг партия аъзоси ҳисобда турарди, тозаловдан кейин минг нафардан озроқ партия аъзоси қолди.

Бухоро ҳақида гапира туриб мен тақдим этилган маърузаларнинг умумий оҳанги ва умумий характери ҳақида икки оғиз сўз айтишим керак. Республикалар ва областлар тўғрисидаги маърузалар ҳаққоний бўлди, умуман, ҳақиқий воқеликдан узоқлашмади. Фақат битта маруза ҳақиқий воқеликдан узоқ бўлди, бу Бухоро ҳақидаги маърузадир. Бу ҳатто маруза ҳам эмас, бошдан-оёқ дипломатия, чунки Бухородаги барча салбий жиҳатлар яшириб кетилган, хаспўшланган, ялтираб, кўзга яққол



Бухоро. 1921 йил.

ташланиб турадиган ҳамма нарса хўжакўрсин учун биринчи планга олиб чиқилган. Хулоса – “Бухорода ҳаммаси жойида”.

Ўйлайманки, биз бу мажлисга бир-биримизга устамонлик қилиш, бир-биримизга кўз сузиш учун, бировни орқа қилиб, бошқаларни лақиллатиш учун келганимиз йўқ. Аксинча, бор ҳақиқатни айтиш, ҳамма иллатларни коммунистчасига аниқлаш, уларни очиб ташлаш, яхшилаш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш учун келдик. Фақат шундай шароитдагина биз олдинга силжий оламиз.

Шу нуқтаи назардан Бухоро ҳақидаги маъруза бошқа барча маърузалардан ўзининг ҳақиқатдан узоқлиги билан ажралиб туради. Мен бу ерда маърузачига Бухородаги Нозирлар Кенгашининг таркиби ҳақида бежиз савол бермадим. Нозирлар Кенгаши – бу Халқ Комиссарлари Совети. У ерда деҳқонлар, яъни крестьянлар борми? Маърузачи жавоб бермади. Аммо менда бу ҳақда маълумот бор. Маълум бўлишича, Бухоро ҳукумати таркибида бирорта ҳам деҳқон йўқ. Ҳукуматнинг 9 ёки 11 аъзоси орасида бой савдогарнинг ўғли, дўкондор, зиёли, мулла, дўкондор, зиёли, яна дўкондор бор, аммо бирорта ҳам деҳқон йўқ. Айни чоғда, ҳаммага маълумки, Бухоро асосан деҳқонлар мамлакати ҳисобланади.

Бу масала Бухоро ҳукуматининг сиёсати тўғрисидаги масалага бевосита тааллуқли. Тепасида коммунистлар турган бу ҳукуматнинг сиёсати қанақа? У деҳқонларнинг, ўз деҳқонларининг манфаатлари билан ҳисобласшадими? Мен коммунистлар раҳбарлик қилаётган Бухоро ҳукуматининг сиёсатини яққол кўрсатадиган фақат иккита кичик фактни далил қилиб кўрсатмоқчиман. Ўта масъулиятли ўртоқлар ва партиянинг кекса аъзолари имзолаган ҳужжатдан кўринадики, масалан, Бухоро давлат банки ўз фаолиятини бошлагандан буён хусусий савдогарларга 75 фоиз, деҳқонлар кооперативларига 2 фоиз кредитлар берган. Абсолют рақамларда бу қуйидагича намоён бўлади: савдогарларга 7 миллион тилла рубль, деҳқонларга 220 минг тилла рубль.

Кейин: Бухорода ерлар мусодара қилинмаган. Лекин у ерда амирнинг чорва моллари... деҳқонлар фойдасига мусодара қилинган. Хўш, нима бўпти? Ўша ҳужжатдан маълум бўлишича, деҳқонлар учун қарийб 200 бош мол мусодара қилинган, қолганлари, албатта, бадавлат деҳқонларга сотилган.

Бу ҳукумат яна “совет”, “халқ ҳукумати” деб аталади! Бухоро ҳукуматининг тавсифлаб берилган фаолиятида ҳеч қандай халқона, советча нарса йўқлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Маърузачи Бухоронинг РСФСР ва Республикалар Иттифоқи билан муносабатлари ҳақидаги масалани қувонарли қилиб ёритди. Унинг назарида, бу борада ҳаммаси жойида. Аён бўлишича, Бухоро Республикаси Иттифоққа киришни хоҳлайди. Маърузачи, афтидан, дарвозалар очилиши учун Республикалар Иттифоқига кириш истагининг ўзи етарли деб ўйлайди, шекилли. Йўқ, ўртоқлар, бу иш шунчаки оддий эмас. Ҳали яна сўраш керак: Республикалар Иттифоқига киришга ижозат беришадими? Иттифоққа кириш имкониятига эга бўлиш учун Иттифоқ халқлари кўз ўнгида Иттифоққа кириш ҳуқуқига олдиндан муносиб бўлиш, шундай ҳуқуққа эришмоқ зарур. Бухоролик ўртоқларга шуни эслатиб ўтмоқчиманки, Республикалар Иттифоқи ахлат тўкиладиган жой эмас...

И.Сталиннинг нутқидан сўнг Бухоро Халқ Совет Жумҳурияти Нозирлар Кенгаши раиси Файзулла Хўжаев сўз олиб, билдирилган танқидий мулоҳазалар юзасидан қуйидагича маълумот бериб ўтди:

Ф.ХЎЖАЕВ: Ўртоқлар, мен ўртоқ Сталин ўртага қўйган масала юзасидан маълумот бермоқчиман. Биринчидан, ўртоқ Сталин кеча Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раёсатининг таркиби бўйича сўраган эди. Мен унга, бутун Бухоро Марказий Ижроқўми бўйича деҳқонлар 65 фоиз, раёсатда 2 фоиз, деб жавоб бердим. Модомики, менда бу рақамлар бор экан, улар стенограммада ҳам ёзилди ва ёзма маърузада ҳам кўрсатилди, мен бу ерда ҳеч қандай устомонлик қилаётганим йўқ. Албатта, бизда совет аппарати ёппасига деҳқонлардан иборат, деб айтиб бўлмайди. Аввал айтганимдек, унинг таркибида бир савдогар, яна мулла бор, қолганлари миллий зиёлилар вакилларидан иборат. Бу ҳақда илгари ҳам айтганман.

Нозирлар Кенгашига келсак, унда деҳқонлар, бевосита ердан унумли фойдаланадиган деҳқонлар йўқ, шу боисдан у ерда бойлар ҳам йўқ.

Давлат банкига келсак, бу – бошқа гап. Бу ўринда ўртоқ Сталин ҳақ, фақат рақам нотўғри. Улар 1923 йилнинг бошига, Давлат банкининг икки ойлик фаолиятига тааллуқли. Марказкўм вакили буни тасдиқлаши мумкин.

Бу масала Нозирлар Кенгашининг мажлисига қўйилган эди ва биз шундай ҳолат мавжудлигини кўриб, бу кўнгилсиз воқеага барҳам бериш тўғрисида қарор қабул қилдик ҳамда у ўшандан буён барҳам топди. Бу беш-олти ой илгари бўлган эди, баённомаси бор. Шундан кейин бирорта ҳам бундай воқеа рўй бермади. Буни мен рақамлар ва ҳужжатлар билан тасдиқлай оламан. 123 бош чорва молига келсак, бу мутлақо нотўғри. Ўртоқ Сталинга нотўғри ахборот беришган. Менда қанча мол қаерга берилганини кўрсатадиган рақамлар ва маълумотлар мавжуд. Мен мана шу маълумотни бермоқчи эдим...”

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мамарасул Расулов – 1900 йили туғилган, Андижон райони Миробод қишлоғидан. Миллати ўзбек, собиқ фаол босмачи, аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. 1933 йили Давлат сиёсий бошқарув ташкилоти органи томонидан қамоққа олинган. Доимий равишда аҳоли ўртасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобийчиларни ҳимоя қилганликда, “Троцкий – инқилобнинг таниқли арбоби”, деб мақтаганликда айбланиб, “учлик”нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилишида 10 йил муддатга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилган.

Ҳакимхўжа Аббосхўжаев – 1889 йили Наманган шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган. Ҳибсга олингунга қадар район матлубот жамияти ҳузуридаги сут заводида инструктор бўлиб ишлаган. Аввалдан совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятда бўлиб аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Олий Советга сайловлар тўғрисида туҳмат тарқатганликда, “Яширин овоз бериш – ўзбекларга қарши курашдир”, деб айтганликда айбланган. У 3318-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган.

Муқимбек Ҳамзабеков – 1894 йилда таваллуд топган. Кармана районидаги йирик амир амалдорининг ўғли. Аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, собиқ босмачи. Атрофидагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий миллатчилик троцкийчилик ташвиқоти олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар билдириб, монархик тузумни мақтаганликда айбланган. Муқимбек Ҳамзабеков 2329-сонли иш бўйича отиб ташланган.

Ғуломжон Жалолдинов – 1885 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Собиқ амир амалдори, аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Чет эл билан аксилинқилобий ёзишмалар учун 5 йилга қамалган. Аҳоли орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, Совет Иттифоқига бўҳтон қилганликда, Афғонистонга қочиш учун тайёргарлик кўрганликда айбланиб, отилган.

Турсунали Қаландаров – 1884 йилда Ленин райони Мозор қишлоғида туғилган. Қатағон даврида қулоққа тортилган. 1930 йилгача “Шўрои Ислом” ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи, имом сифатида фаолият юритган. Доимий равишда аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳукуматдаги ўзгариш тўғрисида ташвиқот ишларини ўтказганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-миш тарқатганликда айбланган. У 2814-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган.

Мулла Жума Аҳмадалиев – 1880 йили Ленин райони Абдужувозбоши қишлоғида туғилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳукумат ўзгариши тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланиб, 2814-сонли иш бўйича отиб ташланган.

Иброҳим Саркар Обидинов – 1881 йили туғилган. Ленин райони Ёмонёр қишлоғидан. Қулоққа тортилган. Даставвал “Шўрои Ислом” ташкилоти таркибида бўлган. Ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, яқин орада уруш бўлиши ҳақида ва СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган. У 2814-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган.

Мулла Аранбой Саъдиев – 1890 йили Ленин райони Абдужувозбоши қишлоғида туғилган. Собиқ савдогар. “Шўрои Ислом” ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, “чет эл давлатлари билан уруш сабаб совет ҳокимияти яқинда қулайди”, деган миш-миш тарқатганликда, халқ душманлари тўғрисида раҳмдиллик кайфиятини билдирганликда айбланиб, 2814-сонли иш бўйича отувга буюрилган.

Абдулла Абдуллаев – 1878 йили туғилган. Доғистондан, хизматчи, ҳибсга олингунга қадар Кисловодскдаги саноат союзи магазини директори вазифасида ишлаган. Аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилот аъзоси сифатида ташкилот топшириқларини бажарганликда, Кавказдаги буржуа миллатчилари билан алоқада бўлиб, йиғилишларда қатнашиб, советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. 1937 йил 14 октябрда 615-сонли иш бўйича олий жазо – отувга ҳукм қилинган.

Набихўжа Саидхўжаев – 1879 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Диний хизматчи, имом. “Шўрои Ислом” ташкилотининг фаол аъзоси, аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва фашистик тарғибот олиб борганликда айбланган. Набихўжа Саидхўжаев 4574-сонли иш бўйича олий жазога ҳукм қилинган.

Маҳмуд Нуриллаев – 1873 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилотидаги фаолияти учун қамоққа олинган. У табиблик билан шуғулланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. Бухоро сектори тақдим этган 2437-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган.

Бобоқори Ғофуров – 1890 йили туғилган. Тожикистон ССР Ленинобод районидан. Полициячининг ўғли, диний маросимлар хизматчиси, имом, қори сифатида танилган. Аксилинқилобий “Шўрои Ислом” ташкилотининг аъзоси бўлиб доимий равишда аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. У 4885-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.
Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).



Орифлик мақомига эришган ҲОФИЗ

Бошланиши 1-саҳифада.

1954 йил бобом ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз беради, у кишини эстрада театрига ишга таклиф этишади. Бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, у ерда хонанда сифатида ишлаш билан бирга, Ориф Алимахсумов машҳур санъаткор Муҳаммаджон Мирзаевдан санъат сирларини ўрганади. Катта устозлар билан биргаликда 1955-56 йилларда вилоятлар ва қўшни республикаларда гастрол сафарларида бўлиб, халқ назарига тушади.

1957 йилда Юнус Ражабий Ориф Алимахсумовни радио қошида янги очилган мақом ансамблига ишга таклиф этади. Тез орада моҳир хонанда замондош бастакорларнинг янги ашулаларини, катта ашула ва яллаларни, хусусан, авжлари бепоён “Шашмақом” оҳангларини куйлаб, устозлар ишончини, мухлислар меҳрини қозона бошлайди.

Машҳурлик, мухлису мутахассислар эътирофи – буларнинг бари яхши, лекин бобом шон-шуҳратга, мақтовларга кўп ҳам эътибор бера-вермас, айниқса, шуҳратга омонатгина бир буюмга қарагандек қарар эди. Устоз Юнус Ражабий билан ўн тўққиз йил мобайнида ижодий мулоқотда бўлиб, у кишидан нафақат мусиқий, балки кўплаб ҳаётий сабоқлар олганини фахрланиб эслар эди.

Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов хотираларидан:

“Шундай туйғулар бўладики, уларни тилга чиқариш шарт эмас. Масалан, ўзингиз бениҳоя ҳурмат қиладиган инсонга “Сизни ҳурмат қиламан”, дейишнинг ҳожати йўқ. Ҳурмат-эҳтиромни хатти-ҳаракатларингиз, гўзал муомалангиз, қилган ишларингиз билан кўрсатишингиз ҳам мумкин. Мен Ориф ота Алимахсумов ва у кишининг улуғ устози академик Юнус ота Ражабий ўртасидаги муносабатларда бунга амин бўлганман. Ориф ота устозини олдида ҳам, ортидан ҳам шу қадар эъзозлар, ҳурматини жойига қўяр эдики, устоз-шогирднинг бу муомалаларига барчамиз ҳавас қилар эдик.

Нафақат профессионал санъаткор, моҳир ижрочи экани боис, балки санъатга, ўзидан ёши улуғ ҳофизларга бўлган чексиз ҳурмати, садоқати туфайли ҳам Ориф Алимахсумов устози Юнус Ражабийдан ўрганган мақомларнинг биронтасини ҳам ўзгартирганлари йўқ. Даставвал қандай ижро этилган бўлса, шундайлигича бизга ўргатар эди. Ўрганиш жараёнида ҳар бир хонандадан ижро қилиб беришни сўрар, диққат билан эшитиб, хатога йўл қўйса, эринмасдан тузаттирар эди. “Болажоним”, – деб мурожаат қиларди ёш хонандаларга, – жуда яхши ижро бўлди, лекин мана шу пардада озгина хатоликка йўл қўйдингиз, келинг, аслидагидек бир айтиб кўринг-чи”. Бундай гўзал, дилбар муомаладан сўнг хонанда, албатта, янада илҳом ва иштиёқ билан куйлар, ижроси кўнгилдагидек чиқар эди.

Ориф Алимахсумовнинг овози тик, яъни “лирик тенор” бўлиб, илмийроқ тил билан тушунтирганда, эгилувчан, юмшоқ ва шу билан бирга шижоатли, жарангдор, юқори авжларни тўлиқ ижро қила олиш қобилиятига эга бўлган. Шу боис мақомларнинг авжини кўп ҳолларда якка ўзи ижро этарди. Машҳур ҳофиз Ортиқхўжа Имомхўжаев билан биргаликда биринчи марта мақомнинг магнит тасмаларига туширилишида фаол иштирок этган фидойи инсонлардан бири ҳам бобом – Ориф ота Алимахсумов бўлганидан биз, авлодлари доим фахрланиб юрамиз. Зеро, у киши кўп йиллар давомида мазкур ансамблда ишлаб, мингдан зиёд ноёб мумтоз асарларни радионинг олтин хазинасига муҳрлашда фидокорона хизмат қилган.

Радио архивидаги “Шаҳнози Гулёр”, “Мўғулчаи Наво”, “Савти калон”, “Гиря I-II”, “Фиғон”, “Сарпарда”, “Чоргоҳ”, “Дугоҳ Ҳусайний” каби ўлмас асарлар Ориф Алимахсумов ижросида халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Шунингдек, у киши Юнус Ражабийнинг “Раъноланмасун”, Орифхон Ҳотамовнинг “Қаро бўлибдур”, “Жонон қиз”, Фахриддин Содиқовнинг “Тўй муборак”, “Гуллар водийси”, “Яшил қишлоқ”, Имомжон Икромовнинг “Сўлим”, Муҳаммаджон Мирзаевнинг “Бахт” ва бошқа 200 дан ортиқ бастакор асарларини ҳам маромига етказиб куйлаган.

1976 йилда академик Юнус Ражабий вафотидан сўнг, у кишининг ёзма ва оғзаки васиятига биноан Ориф Алимахсумов мақом ансамблига бадиий раҳбар этиб тайинланади. Бобом бу лавозимда устози сингари узоқ йиллар хизмат қилиб, мумтоз мусиқамиз ривожи йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга оширди.

1972 йили Тошкент (ҳозирги Ўзбекистон давлат) консерваториясида Шарқ мусиқаси бўлими очилди. Бу ерда ўзбек мумтоз мусиқачи созандалари ва мақом ижрочилари тайёрланадиган бўлади. Ориф Алимахсумов консерваторияда шогирдлар тарбиялашга биринчилардан бўлиб таклиф этилган. Бу даргоҳдан халқимизга манзур бўладиган кўплаб хонандалар етишиб чиқди. Шулардан, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуд Тожибоев (марҳум), Машрабжон Эрматов, Эркин Рўзиматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раҳматжон Қурбонов (марҳум), Ҳуррият Исроилова, Мансур Маъмиров каби эл севган хонандалар Ориф Алимахсумов синфида таҳсил олганлигидан фахрланади.

Бобом раҳматли нафақага чиққанларидан сўнг ўн йилдан ортиқ вақт давомида ўзи истиқомат қилган “Яккасарой” маҳалласининг оқсоқоли сифатида фаолият юритди. Ҳудуддаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган маҳалла фаоллари уларни жуда ҳам ҳурмат қилиб эъзозлар, ана шу инсон билан маҳалладош эканидан ғурурланар эди.

Жамоатчилик ишларида фаол бўлган бобом хайрли амаллари, самимий тўғри панду насиҳатлари билан оқсоқоллар орасида ҳам ажралиб турарди. У киши кўп йиллар ойнаи жаҳон орқали мунтазам бериб бориладиган “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” туркум кўрсатувларига бошловчилик қилди.

Кўрсатув бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мираббос Мирзаҳмедов хотираларидан:

“Ориф ота Алимахсумов телетомошабинларни сеҳрлаб қўяр эди. Мен ўзим ҳам кўп гувоҳ бўлганман, кўрсатув эфирга кетадиган куни автобусда уйга қайтар эканман, йўловчилар ҳайдовчига: “Тезроқ ҳайдасангиз-чи, ахир бугун “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” бўлади, кеч қолмайлик. Отахоннинг (Ориф ота Алимахсумовни ҳурматлаб: “Отахон” дейишарди) сўзларини эшитишга улгуриб қолайлик!” дейишарди”.

Ориф Алимахсумов 2005 йил бу ёруғ дунёни тарк этган бўлса-да, ҳали-ҳануз у зотнинг ижро этган юзлаб ашулалари ёш хонандалар учун дастур, шинавандалар учун эса қалбларига ҳузур бағишлайдиган ажойиб асарлар сифатида яшаб келмоқда.

Мен шундай улуғ инсоннинг набираси эканимдан, у кишининг шахсан ўзидан санъат ва ҳаёт сабоқларини, тиллоларга тенг насиҳату дуоларини олганимдан фахрланаман.

Хотирамда қолган энг залворли ўгитларидан бири бу санойи нафиса – санъат йўлида барчага бирдек самимий муомалада бўлиш, ваъдага вафо қилиш, энг асосийси, ҳаётда ҳалол, пок яшаш кераклиги ҳақидаги сўзларидир. Бу ўгитлар менинг ҳаёт йўлларимни ёритиб турувчи чироқлардир.

Камолиддин АЛИМАХСУМОВ

ТИЛБИЛИМ



“КАМПИРНИНГ ДАРДИ ҒЎЗАДА”МИ Ё?..

Очиғи, бу мақолнинг маъносига унчалик тушунмаганман. Нега кампирнинг дарди ғўзада бўлиши керак? Яқинда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова билан сафарда юрганимизда шу мақол ҳақида гап кетди. Опа: “Эшитганим бор. “Кампирнинг дарди ғўзада” эмас, ғозада. Абдулла Қодирий ҳам ғоза сўзини ишлатган экан” деб қолди.

Шундан кейин ичимга ғулув тушди. Уйга келиб, ўзим кўп қарайдиган – “Маънолар махзани” китобини варақладим. Унда бу мақолга берилган шарҳда шундай жойи бор: “Чол: Э Худо, тилла тўла кўза бер”, дейди. Кампир: “Э Худо, сават тўла ғўза бер”, дейди. Илгари аксарият кампирлар кунларини ғўза(кўсак) чувиш, чарх йигириш билан ўтказардилар. Мазкур мақолни: “Ҳар ким ўзи яхши кўрадиган, ўз тириклигини таъминлайдиган, ўзига эрмак, ҳузур-ҳаловат бахш этадиган нарсалар ҳақида ўйлайди, ўшанга эришиш ҳаракатида бўлади” деган маънода қўллайдилар”. Бир қарашда бу шарҳ тўғрига ўхшайди. Лекин...

Мен бу китобдан сўнг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан ғоза сўзини изладим ва қуйидаги шарҳни ўқидим: **ҒОЗА.** *(ф. Аёллар юзига сурадиган қизиллик, элик).* эск. Юзга сурадиган қизил рангли пардоз буюми, элик. Кампирнинг дарди ғозада. Ҳар ким ўз ташвиши, ўз истаги, мақсади ҳақида ўйлайди ёки қайғуради, деган маънода ишлатилган матал.

Мана бу бошқа гап. Бу ерда мақол ва маталларимизга хос киноя бор, тилимизга мос кесатиш бор, миллий қарашларимизга яраша мантиқ бор, муҳими бадиият бор. Менимча, чолу кампир айтишувида ҳам чолнинг тилла тўла кўза сўраши бор гап. Лекин кампир сават тўла ғўзамас, сават тўла ғоза сўраган бўлса керак.

Алишер Навоий ҳам ғоза сўзини упа-элик маъносида ишлатган экан:


Ясади беқиёсу андоза,
Сабзадин вўсма, лоладин ғоза.
(“Сабъаи сайёр” достонидан.)

Эшқобил ШУКУР

ЖАҲОН АЙВОНИДА

* * *

АҚШнинг янги президенти Дональд Трамп “Tesla” ва “Space X” асосчиси, тадбиркор Илон Маскни ҳукуматнинг самарадорлик департаменти раҳбари этиб тайинлади. Бу ҳақда сиёсатчи ўзининг “Truth” ижтимоий тармоқ саҳифасида маълум қилган.




* * *

Украинада президентлик сайлови 2025 йилнинг 25 май санасида бўлиб ўтиши мумкин. Британиянинг “Economist” нашри таъкидлашича, Украина президентининг офиси овоз беришга тайёргарлик кетаётганини рад этган. Нашр билан суҳбатлашган манбаларнинг аксарияти сайловнинг ўтказилишига шубҳа билан қараган.

* * *

Япония бош вазири қайта сайланаётган вақтда ухлаб қолди. Шигеру Ишиба янги муддатга қайта сайланиши муносабати билан овоз бериш вақтида парламент залида ухлаб қолган. Шунга қарамай, овоз бериш унинг фойдасига якунланган. Ишиба Япония хавфсизлигини кучайтириш ва минтақадаги барқарорликни таъминлаш тарафдори сифатида танилган.



* * *

Германиялик экстремал спортчилар 2500 метр баландликда арқон устида юриб, янги жаҳон рекордини ўрнатди. Ушбу рекорд Фриди Кюне ва Лукас Ирмлерга тегишли. Спортчилар иккита ҳаво шари орасидан тортилган арқон бўйлаб ҳаракатланган.

* * *

Италиянинг Помпей шаҳри харобаларига саёҳатчилар ташрифи чекланади. Ҳудудга келувчи сайёҳлар сони ҳаддан ташқари кўпайган. Бу унга зарар етказиши мумкин. Помпей археология парки директори Габриэль Цухтриэгелнинг таъкидлашича, ҳозирнинг ўзида сайёҳлар кунига 15-20 минг кишидан ошяпти.



* * *

“Sotheby’s” аукцион уйи яқинда сунъий интеллект (AI) алгоритмларидан фойдаланган ҳолда инсон қиёфасидаги робот томонидан яратилган биринчи санъат асарини 1 миллион долларга сотди. Кимошди савдосида гуманоид робот рассом AI-Da томонидан яратилган “Алан Тюрингнинг портрети” (2024) номли асар 1 084 800 долларга сотилди. AI-Da гуманоид роботи суратни кўзларидаги камералар ва сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида чизган ва бўяган.

* * *

Миллионлаб ҳиндистонликларнинг молия бозорларига кириб келишида рақамлаштириш муҳим роль ўйнади. “Groww” ва “Zerodha” каби платформалар кенг аҳолига содда шаклда инвестиция киритиш имкониятлари эшигини очди. Ҳиндистон фонд бозоридаги инқилоб рақамли дунёда молиявий бозорларда қатнашиш қанчалик осон бўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, жамоатчилик қисқа вақт ичидаги бундай ўсиш қандай хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам кузатиб бориш имконига эга.



Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Ифтихор Хонхўжаев

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 827
Лотин ёзувидаги адади – 11 904
Медиа кузатувчилар – 19 410
Буюртма: Г – 1139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 22:30
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz